# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

22 (916) сон
21 — 27 май 2009 йил
Web-site: oilavajamiyat. uz


3



**ҚИЗИМИЗГА ЎХШАЙДИГАН ҚЎҒИРЧОҚ**

**СОТИЛГАН БУЮМ ҚАЙТАРИБ ОЛИНАДИ(МИ)?**



4

14



**СУЙГАН КИМ-У, КУЙГАН КИМ?**

## ЖАЗАВА

*ёхуд ақлига эмас, тилига ва... муштига суянган аёллар хусусида*



16





# ҲАЁТ ҚЎНҒИРОҒИ

*Биринчи қўнғироқ...*
*Катта танаффус...*
*Сўнгги қўнғироқ!..*

Бир умр эсимиздан чиқмайдиган жарангдор овозлар бу! Уларнинг сўнмас саси нафақат қулоқларимизда, балки юракларимизнинг туб-тубларида қолган. Биринчисидан бошлаб сўнггисигача ҳайрату ҳаяжон, қувончу ранжтаскинлар оралиғида кечган қайтмас болалигимизнинг энг қадрли лаҳзаларини энди соғиниб-соғиниб эслаймиз.

Кечагина ҳашаматли мактаб остонасидан минг бир хаёл, ҳадик ила ҳатлаган ўсмирнинг каттакон давра ўртасида бийрон-бийрон шеър ўқиётганини ёки устозлари шаънига ўз кўнгил изҳорини тутилмай баралла айтаётган қизини кўрган она киприкларига илинган қувонч ёшларини секингина артиб қўйишида ҳам ажиб бир ҳикмат борга ўхшайди.

2

**КЕЧА:**

→ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 15 май куни имзолаган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди.

→ Пойтахтимиздаги "Ёшлик" спорт мажмуасида ўтказилган мини-футбол бўйича аёллар ўртасидаги Ўзбекистон кубоги мусобақаларида ушбу кубокнинг амалдаги соҳиби Қаршининг "Севинч" жамоаси яна ўз унвонини муносиб ҳимоя қилди.

**БУГУН:**

→ Мамлакатимизда ҳам эртага бутун дунё миқёсида нишонланадиган «Халқаро биологик хилма-хиллик куни»га бағишланган тадбирларга тайёргарлик бошланиб кетди.

→ Гулистонда бўлиб ўтадиган "Умид ниҳоллари" республика мусобақасининг якунловчи босқичи иштирокчилари учун ҳаяжонли лаҳзалар бошланаётир. Негаки, бир тарафда нуфузли беллашувга тайёргарлик ниҳоясига етаётган бўлса, иккинчи тарафдан... сўнгги қўнғироққа ҳам бир неча кунгина қолди...

**ЭРТАГА:**

→ Болажонлар интиқ кутаётган «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни» байрами таъсис этилганига 60 йил тўлиши(1949) муносабати билан бу файзли ва ўзгача руҳда нишонланадиган шодиёнани кўнгилли ўтказиш учун республикамизнинг барча шаҳару қишлоқларида қизғин ҳозирлик кўрилаётир.

**ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:**


Бобур Мирзони кўрган аллома 3

Асл муҳаббат никоҳдан кейин пайдо бўладими? 5

Биринчи бўлиб севгисини изҳор қила олган бахти бутун қиз 7

Боласини ёмон кўрган аёлдан яхшилик кутманг! 11

Дугонангиз сирдош эмас, сизни кўролмаса, қандай йўл тутасиз? 12

Хотира сусайиши ... касаллик белгиси(ми)? 13

Дўхтирнинг шаъмаси... келиннинг шубҳаларини оширди 15

# ТАРАҚҚИЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

***Маълумки, аёллар ҳаракати халқаро миқёсда ўз ўрнига эга. Мустақиллик йилларида республикамизда оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, оиланинг моддий аҳволини яхшилаш, аёлларга бола парваришида шарт-шароитлар яратиш, тиббий хизматлардан бепул фойдаланиш, қизларимизнинг таълим олиши учун грант маблағларини ажратишни назарда тутувчи чора-тадбирларнинг яратилиши ҳам юртимиз хотин-қизларининг ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар ясади.***

Яқинда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Адлия вазирлиги, БМТнинг тараққиёт дастури ҳамкорликда Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида «Ўзбекистон аёли тараққиёт билан ҳамнафас» мавзусида ўтказилган кўргазма ва семинар ҳам хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролига бағишланди. Кўргазма семинарни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова кириш сўзи билан очди. Семинар олдидан ташкил этилган кўргазмада ўзбек рассомлари томонидан турли даврларда яратилган ўзбек аёллари — Зебунисо, Бибихоним, Нодирабегим каби тарихий сиймолари ҳамда хотин-қизларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи ранг тасвир ишлари, ҳайкалтарошлар томонидан ишланган аёллар образи асарлари ва ўзбек ҳунарманд аёллари томонидан яратилган мамлакатимизнинг турли ҳудудларига хос бўлган сўзаналар намойиш этилди.

Кўргазмадан сўнг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва имкониятларини кенгайтириш борасида қонунчилик органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлардан хабардорликни ошириш мақсадида семинар иш бошлади.

**АЁЛ ВА ЖАМИЯТ**

Семинарда UNIFEMнинг халқаро ҳисоботи — «Жаҳон аёллари тараққиёти 2008/2009» китоби ҳамда БМТ Тараққиёт Дастури томонидан нашр этилган «Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» нашрлари тақдимоти ўтказилди.

* * *

Шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ҳам «Баркамол шахсни тарбиялашда миллий-маънавий қадриятларнинг ўрни» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда республикадаги олима аёлларнинг биргаликдаги фаолиятини такомиллаштириш, уларни устоз ва шогирд тизими асосидаги фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, касбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида ёшларнинг ҳам илмий, ҳам маънавий етуклигига алоҳида эътибор қаратиш масалалари муҳокама қилинди.

**Лутфия СУЯРОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# ҲАЁТ ҚЎНҒИРОҒИ

**БИТИРУВЧИ!** Йилларнинг югуриклигини қаранг. Шоирона таъриф билан айтганда, "момомизнинг урчуғи бир айлангунича ўтиб кетган дамлар"нинг суратини улуғ Истиқлолимиз билан теппа-тенг қадам ташлаётган фарзандларимиз тимсолида кўраяпмиз. Улар энди дунё билан тиллашмоққа қодир, икки-уч тилда бемалол сўзлашаётган болакайларни кўриб, ҳайратланмай қўйганимизнинг ўзи ҳам бир қувонч эмасми? Ёхуд ҳар куни турли оммавий ахборот воситаларида ҳам ўзбекистонлик ўқувчи ёшлар эришаётган муваффақиятлар ҳақидаги муждаларни эшитиб, бошимиз осмонга етаётир. Буларнинг ҳаммаси сизу бизнинг кўнглимизга ўзгача шукуҳ бағишлаши билан бирга эртанги кун эгалари бўлмиш ёшларимизнинг истиқболи баланд эканлигига ишорадир.

Эрта-индин Ватанимизнинг юзлаб илм масканларида янграйдиган қўнғироқлар жарангини эшитган ҳар бир инсон қалби сергак тортади, таъбир жоиз бўлса, уйғонади. Негаки, бу сирли сас неча минг-минглаб ёшларни қадрдон мактаблари бағридан лицей-коллежларга қалдирғоч мисоли учирма қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда)



**"Сўнгги қўнғироқ чалиняпти...** Йўқ, йўқ, жаранглаётган бу янгроқ садо сўнгги қўнғироқ эмас, аксинча, фарзандларимизни катта йўлга чорлагувчи ҲАЁТ ҚЎНҒИРОҒИдир. Ёруғ ният қилайлик, азизлар, илло, бу қўнғироқ овозлари "энг гуллаган ёшлик" фаслларига қадам қўяётган фарзандларимиз юракларида акс садо берсин, уларни нурли манзилларга етакласин!

**Норқобил ЖАЛИЛ**

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ЯНГИ ИЖОДИЙ БЕЛЛАШУВ!**

# "НАВРЎЗДАН НАВРЎЗГАЧА"

***Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар! Эшитмадим деманглар, эшитганлар келинглар!***

***Йилбоши — Наврўзи олам ташриф буюраётган лаҳзаларда Она табиат, бутун борлиқ уйғонади, деймиз. Аслида-чи? Бундай файзиёб кунларда энг аввало, одамзот уйғонади, унинг Кўнгил отлиғ сирли дунёси кўз очади. Руҳида, юрагида покланиш, тозариш бошланади.***

***Муҳтарам юртдошлар! Авлод-аждодларимиз неча минг йиллардан бери ўзларининг энг гўзал ва эъзозли сайлларидан бири сифатида қадрлаб, нишонлаб келган Наврўз бизнинг жаннатмонанд ўлкамизда айни истиқлол йилларидагина оммавий байрам сифатида ўзининг кўҳна ва навқирон шакли-шамойили, миллий қиёфаси ҳамда шарқона мазмун-моҳиятига эга бўлди. Шу боис "Оила ва жамият" газетаси таҳририяти ҳам ушбу айём арафасида ижодкорларни "НАВРЎЗДАН НАВРЎЗГАЧА" деб номланган***

## *ИЖОДИЙ БЕЛЛАШУВ майдонига чорлайди!*

Ушбу майдонга қалами(қамчиси эмас!) чархланганлар ўзларининг **"ҚАНОТЛИ ИЛҲОМ ОТ"**лари билан тушиб, мардона курашадилар. "ПУБЛИЦИСТИКА", "ШЕЪРИЯТ", "НАСР", "ҲАЖВИЯ" ва ниҳоят, "СУРАТ"(фото ва карикатура) деб номланган майдонларимиз сизга мунтазир.

Беллашув шартлари қуйидагича: компьютерда А-4 формат, бир ярим интервал оралиғи, кегл14,"TimesUZ» гарнитураси, ҳажми 5 бетгача (публицистик ва насрий асарлар учун) бўлган материаллар қабул қилинади. Қўшимча тарзда ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот, бир дона10Х15 ҳажмли фотосурат илова қилинг. Материалларни газетамизнинг электрон манзили ҳамда почта орқали юборишингиз мумкин. Сезиб турибмиз, табиийки, совринларга ҳам қизиқаяпсиз.

**ҒОЛИБЛАРГА:**
**ТЕЛЕВИЗОР**
**DVD ПЛЕЙЕРЛАР**
**ҚЎЛ ТЕЛЕФОНЛАРИ**
**ФОТОАППАРАТЛАР**
**РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ**
**мукофотлар берилади.**

*Шунингдек, «Оила ва жамият» саҳифаларида эълон қилинган энг яхши публицистик, насрий ва шеърий, фото ҳамда карикатура асарлари таҳририят ҳисобидан 2010 йилда китоб ҳолида чоп этилади.*

*Барча жанрлардаги материалларни қабул қилиш муддати 2009 йилнинг Наврўзидан 2010 йилнинг Наврўзигача.*

**Маълумотлар учун телефонлар: 233-28-20, 233-04-35.**

***Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.***




# НАМУНАЛИ ҲАРБИЙ ОИЛА

**Тошкентдаги Марказий офицерлар саройида «Намунали ҳарбий оила» кўрик танловининг якуний республика босқичи бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий округ ва гарнизонлар, ҳарбий билим юртлари миқёсида ўтказилган танловда ғолиб чиққан оилалар иштирок этди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини бўш вақтларини мароқли ўтказиш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда иштирокчилар бешта, яъни саломлашув, уйга вазифа, саҳна кўриниши, билимдонлар баҳси, эркин мавзу каби шартлар бўйича куч синашдилар.

Айтиш жоизки, мазкур танлов ҳарбий хизматчиларнинг оилалари орасида миллий қадриятларни, урф-одатларни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларда оила маданияти ва одобини янада шакллантириш, бундан ташқари ҳарбий оилада камол топаётган фарзандларнинг тарбиясини тўғри йўлга қўйишда беқиёс аҳамиятга эга.

Тадбирда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг ҳамда ёш истеъдодли хонандаларнинг чиқишлари иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади. Ўз билим ва салоҳиятини намойиш этиб, ғолибликни қўлга киритган оилаларга Мудофаа вазирлигининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

# МАКТАБ ЯРАТГАН АДИБ

**Яқинда республика Фанлар Академияси биносининг мажлислар залида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлапберген Қаипбергеновнинг 80 йиллик юбилейига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

— Дунёда ўз адабиётида мактаб ярата олиш камдан-кам адибларгагина насиб қилган. Тўлапберген Қаипбергенов эса қорақалпоқ адабиётида ўзига хос мактаб оча олган ёзувчилар сирасига киради, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. — Адибнинг ўз халқи олдидаги хизматлари унинг файласуфона маҳорати шу халқнинг донолигини тасвирлаш бобида аён бўлади ва шу боис мен уни буюк ёзувчи Расул Ҳамзатовга қиёслайман. Қорақалпоқ деганда кўз олдимизда миллатининг ёниқ дарди билан яшаган Қаипбергеновнинг гавдаланиши айни ҳақиқат. Бунга сабаб эса адиб ўз асарларида қорақалпоқ халқи орзу-ўйларини тўлақонли ва жонли тасвирлай олганидадир.

* * *

Бугун Тошкент вилояти «TURON» ахборот — кутубхона маркази, Ғ. Ғулом номидаги маданият уйи ҳамда 215-умумтаълим мактаби жамоалари ташаббуси билан Ўзбекистон Қаҳрамонлари, ўзбек ва қорақалпоқ адабиётининг забардаст вакиллари Тўлапберген Қаипберганов ва Ибройим Юсуповларнинг 80 йиллик тўйига бағишланган маданий-маърифий кеча ҳам бўлиб ўтди.

**Камола АҲМЕДОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

НИГОҲ

# ҚИЗИМИЗГА ЎХШАЙДИГАН ҚЎҒИРЧОҚ

## ёки ўйинчоқларнинг бола руҳиятига таъсири ҳақида

Ўйинчоқлар болалар онгини ва руҳиятининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Болаларимизни тарбиялаб вояга етказар эканмиз, уларнинг билимли бўлишлари билан бир қаторда бирор ҳунар эгаси бўлишларини ҳам истаймиз. Айниқса, қизларимизнинг тикиш-бичиш, ҳамширалик, пазандаликка бўлган қизиқишларини ривожлантириб бориш жуда муҳим. Албатта, болаларга туғилганлариданоқ ўйинчоқ олиб беришга интиламиз. Бироқ, ўйинчоқ харид қилаётганимизда бунинг фойдали ва зарарли томонлари ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Масалан, мутахассислар бола олти ойлигиданоқ, унга турли ҳажмдаги кубиклар олиб беришни тавсия этишади. Бу уларнинг ақлий қобилиятини оширар экан. Руҳшуносларнинг фикрича, турли ўйинчоқлар болалар онгига ҳар хил таъсир ўтказади. Масалан, ўзига нисбатан ишончсиз, қўрқоқроқ болаларга психологлар арслон, қоплон каби ўйинчоқларни совға қилишни тавсия этишса, қўполроқ болаларга кичик маймунча совға қилиш керак экан. Кўп касал бўладиган болаларга эса айиқполвон совға қилиш ҳам яхши натижа кўрсатиши мумкин. Синиб қолган ўйинчоқни ўйнаш болаларга салбий таъсир этади. Иложи борича, ундан воз кечиш керак. Мутахассисларнинг бу каби фикрларини кўплаб келтиришимиз мумкин. Аммо бугунги болаларга бир разм солсангиз, уларда ўйинчоқларини ўзлари ясашга бўлган қизиқиш ортганини сезасиз. Бу жуда яхши.



– Ўзим тиккан юмшоқ ўйинчоқларимдан бошқача завқ оламан, – дейди қўшработлик 8-синф ўқувчиси Сурайё Раҳимова. – Уларни 10 ёшимдан бери тикаман. Ҳар сафар янги ўйинчоқ тикканимда, уни узоқ томоша қилиб ўтираман. Гўё у тирикдай... Қўғирчоқларимнинг ҳар бирини номлайман. Тўғри, ҳозир мен ўйинчоқ ўйнайдиган даврдан ўтдим, аммо уларни тикишни давом эттирсам керак. Шунинг учун қўлда тикилган ўйинчоқлар дўконини ташкил қилиш ниятим бор.

Қўшработда бундай ўйинчоқлар ясашга қизиқиш ортаётганини Сурайёнинг устози Рухсора Бобоназарова ҳам айтиб ўтди.

– Ҳозирда Қўшработ туманидаги Жўш ўқувчилар ижодиёт марказида 20 дан зиёд тўгараклар фаолият юритади, – дейди у. – Ўзим юмшоқ ўйинчоқлар тикиш бўйича қизларга дарс бераман. Тўгаракка 40 дан зиёд қизлар қатнайди. Ҳаммаси янги ўйинчоқлар кашф этишга интилади.

Ўйинчоқлар дидни, тасаввурни ўстириши бор гап. Шу билан бирга болаларда миллий руҳни кучайтиришда ҳам уларнинг ўз ўрни бўлади. Бироқ, ўйинчоқлар тимсолида уларга миллийликни етарли даражада юқтира олаяпмиз, дея айтолмаймиз. Бунга айниқса, ўйинчоқлар дўконига киргач, амин бўламиз. Тунов куни дўконда бир қизалоқнинг ҳеч қайси қўғирчоқни танлолмай турганини кўриб қолдим. «Ахир бу қўғирчоқ уятсиз-ку, улар менга керакмас», дея хархаша қилиб турган қизини онаси қандай кўндиришни билмасди. Тўғри-да, қайси ўйинчоқ дўконига кирманг, ярим-яланғоч кийимдаги, танноз хонимлардек ясалган қўғирчоқларга кўзингиз тушади. Бу қўғирчоқларни ўйнаган қизларимиз улардан нимани ўрганишади?

– Сенга қанақа қўғирчоқ керак? – деб сўрайман қиздан.

– Сочлари қора, узун бўлсин, уларни ўриб қўяман. Кўйлагиям телевизорда ўйнайдиган қизларникидай бўлса зўр бўларди-да, – дейди у энтикиб.

Ростдан ҳам зўр бўлади деб, шундай қўғирчоқлар тикадиган қизнинг манзилини айтдим. Унда айнан қизча истайдиган қўғирчоқлар бор, дедиму, беихтиёр қаҳрамоним билан қилган суҳбатим ёдимга тушди.

– Афсуски, бу қўғирчоқларни кўпинча чет эллик меҳмонлар сотиб олади, – дейди Самарқанд шаҳрида миллий қўғирчоқлар, чокли бромлар тикиш билан шуғулланадиган Дилором Хушвақтова. – Ўзим эсимни таниганимдан бери қўғирчоқ тикаман. Буни онамдан ўрганганман. Онамга эса бувим ўргатган эканлар. Шу тариқа мана неча авлод бу ишни давом эттираяпмиз. Қўғирчоқларимизнинг кўпи самарқандча кийинган «қизлар». Аслида бувимнинг айтишларича, аввалдан ҳар бир самарқандлик қизалоқ бу каби қўғирчоқларни ўзи тикиб ўйнаган. «Лўхтакча» деб номланган бу қўғирчоқларни оддий гугурт чўпидан ҳам ясаганлар. Кимнинг қўғирчоғи чиройли бўлса уни малика этиб сайлашган экан. Шу тариқа ҳар бир қиз қўғирчоғи чиройли чиқишига интилиб, янги-янги кашфиётлар қилган.

Ҳа, Дилором Хушвақтованинг бувиларидан қолган ҳунарни давом эттириб, қизалоқларимизнинг ўзларига ўхшаш чеҳрали қўғирчоқларни тикаётгани қувонарли. Ҳарҳолда чет эллик сайёҳ бу қўғирчоқни уйига олиб боргач, оиласидагиларга ўзбек қизининг тимсолини ҳам кўрсатиб беради-ку, шундай эмасми?..

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# 140 БОЛАНИНГ «ОНАСИ»



Сизу биз билан бир сафда яшаб, хушмуомаласи, илғор иш тажрибаси, раҳбар сифатидаги фазилатлари билан ўзига хос тажрибалари билан танилган аёллардан бири — Хонойим Қодировадир.

У Андижон туманидаги Ҳакан қишлоғидан. Табиатан жонсарак, меҳнаткаш, ишнинг кўзини биладиган мудира. У Андижон Давлат педагогика институтини тугатган кезларидаёқ болалар дунёсига қизиқиш ва меҳр билан кириб боради. Дастлаб тумандаги 4-ўрта мактабда ўқувчиларга тарих фанидан сабоқ берди. «Курама» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида икки қаватли боғча биноси қурилиб, ишга туширилиши арафасида Хонимой опани мудираликка тайинлашди. У ўзининг уч нафар эгизаги билан иш бошлади. Қийналган ва қувончли кунлари ҳам бўлди. Эндиликда у раҳбарлик қилаётган 13-мактабгача таълим муассасаси нафақат туманда, балки вилоятдаги намунали масканлардан бири ҳисобланади.

— Ўзим ҳам онаман. Етти нафар фарзандим бор, - дейди Хонойим опа мамнунлик билан. — Бола тарбиясининг гашти ва ташвишлари менга яхши аён. Шунинг учун ҳам боғчадаги 140 нафар болани ўз фарзандларимдан кам кўрмайман. Уларга оналаридек бўлишни истайман.

Дарҳақиқат, опанинг саъй-ҳаракатлари билан боғчада етарли шарт-шароитлар яратилган. Энг муҳими, ўйинчоқлар бисёр. Уларнинг аксариятини тарбиячиларнинг ўзлари тайёрлашади. Сифати ҳам чакки эмас. Шу боис боғчада ўйинчоқлар савдоси ҳам ташкил этилган.

Бундан ташқари, боғча педагогик жамоаси билан ота-оналар ўртасидаги ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Бунинг натижасида инглиз тили ва каратэ тўгараклари очилиб, фаолият кўрсатаяпти.

Хонойим Қодирова нафақат жамоада, балки маҳалласида ҳам обрў топган аёл. У маҳалла хотин-қизларининг раиси сифатида маҳаллани обод ва кўркам гўшага айлантиришда фаоллик кўрсатаяпти. Масъулиятли ишларни бажаришда барчага ибрат кўрсатмоқда. Хуллас, қаҳрамонимиз ҳақида ким билан суҳбатлашмайлик, камтарлиги, тўғрисўзлиги, ҳар бир ишга масъулият билан ёндошишини қайта-қайта такрорлашади.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**
**Андижон вилояти.**

## БИЗ ТОМОНЛАРДА...

### КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

**шиори остида мактабдан ташқари таълим муассасаларининг кўргазмаси бўлиб ўтмоқда**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар комиссияси, шаҳар прокуратураси, Халқ таълими Бош бошқармаси ҳамда «Камолот»нинг шаҳар бўлими ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу кўргазма пойтахтимизнинг «Бобур» номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкиллаштирилди.

— Бу кўргазмани ташкил этишдан мақсад ёзги таътилда фарзандларимизнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун уларни тўгаракларга жалб этишдир, — дейди шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳумоюн Акбаров. — Икки кун мобайнида ушбу кўргазмада барча туманлардан 109895 нафар ўқувчи иштирок этади. Ўқувчиларнинг тўгаракларга қатнашиб, ўз қўллари билан яратган санъат асарлари уларни келажакда нафақат касб-ҳунарга йўналтиради, балки эстетик дидини тарбиялайди, сабр-тоқат, қунт-ҳафсалани шакллантиради.

— Мен Чилонзор тумани ўқувчилар ижодиёти марказининг «авиамоделлаштириш» тўгарагига қатнашаман. Ҳозир кўргазмага ўзим ясаган самолёт модели билан қатнашаяпман, — дейди Чилонзор тумани 188-мактабнинг 6-«а» синф ўқувчиси Алижон Ҳотамов.

Ушбу кўргазмада иштирок этаётган ўқувчиларнинг санъат асарлари ёнида кўрик-танловларда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритгани ҳақидаги фахрий ёрлиқ ва дипломларига ҳам кўзингиз тушади.

Зеро, орзулар оламига илк қадам ана шундай масканлардан бошланади.

**Барно СУЛТОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

### РАҚС ЖОЗИБАСИ

***дилларга завқ бағишлади***

Андижон вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорликда ўтказаётган «Рақс — менинг ҳаётим» кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичларида янги-янги истеъдодлар кашф этилди.

Куни кеча Бобур номидаги мусиқали драма ва комедия театрида танловнинг саралаш босқичлари ғолиблари иштирокида гала концерт дастури намойиш этилди.

— Бу тадбирдан кўзланган мақсад чекка қишлоқлардаги истеъдодларни юзага чиқариш, бугуннинг Мукаррамаси, Тамарахонлари-ю Қизлархонларининг рақсларини қайта кашф этиш, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Ёқубова тадбирни очар экан.

Дастурда иштирок этган республика академик жамоалари, «Ўзбекистон» Давлат ашула ва рақс ансамбли раққосаси, М.Турғунбоева номидаги кўрик-танлов совриндори Дилфузахон Қодированинг «Муножот», «Помирча» рақслари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нигина Нигматованинг «Ларзон», «Қўғирчоқ», «Бухороча» рақслари, шунингдек, «Мерос» академик жамоасининг оммавий мумтоз рақслари, Жалақудуқ агросаноат коллежи талабалари ҳамда Булоқбоши ХТБга қарашли 20-умумтаълим мактаби ўқувчи йигитлари ижросидаги «Оилавий йигитлар рақси» байрам шодиёнасига ўзгача руҳ бағишлади.

**З. АБДУЛЛАЕВА.**

### ОИЛА — ОЛТИН ҚЎРҒОН

Халқаро оила кунига бағишлаб Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, республика «Оила» маркази билан ҳамкорликда ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилди. «Менинг оилам», «Оила — олтин қўрғон», «Қўша қариб, қадр топганлар», «Ибратли хонадон бекаси» мавзуларидаги учрашувларда маҳалла оқсоқоллари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган тадбирлар дастлаб воҳанинг олис қишлоқларида яшаётган аҳоли билан учрашувлардан бошланди. Китоб туманидаги Хўжаилмкони қишлоғида «Оила муқаддас даргоҳ» мавзуида ўтказилган тадбир асосан қишлоқ ёшлари ҳаётига бағишланди.

Шаҳрисабз туманидаги «Наматон» қишлоқ фуқаролар йиғинида хотин-қизлар билан бўлган учрашув ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, тадбир доирасида вилоят хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар бўлимининг «Ватан ягонадир — ватан биттадир» шиори остида Мироқи шаҳарчасида ўтказилган дўстлик фестивалида турли миллат вакиллари иштирок этиб, юрт истиқболи, оналик ва бахтли болалик ҳақида куй-қўшиқлар ижро этдилар.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# СОТИЛГАН БУЮМ ҚАЙТАРИБ ОЛИНАДИ(МИ)?

## *Харидорлар ўз ҳуқуқларини биладилар, аммо мажбуриятларини-чи?*

**ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ**

***Бозордан ёки дўкондан ўзи хоҳлаган молни кўнгилдагидай сотиб ололмаган харидорнинг, албатта, бу жумбоқли масала олдида боши қотиши табиий. Ҳатто ўзининг дидини яхши билган харидор ҳам баъзан кераксли молни сотиб олишда адашади. Хўш, бундай пайтларда нима қилиш керак? Дўконга қайтариш керак. Бу жавоб аслида жуда жўн бўлиб, бизнинг муаммомизни бир зумда ҳал қилиб бергандай туюлади. Аслида-чи? Сотиб олинган молни қайтариб топшириш учун сабаб, яна ҳам аниқроғи жиддий асос бўлиши зарур, албатта. Агар бирор электротехника асбоби бўлса бошқа гап. Чунки унда молнинг ишлаб чиқарилиши ва вазифаси билан боғлиқ кафолат муддати, сифати ҳақида тўлиқ маълумотлар бўлиб, харидорнинг дидига, шароитига, имкониятига тўғри келмаса, сифатсиз бўлса, сотилганлиги ҳақидаги касса чеки билан олиб борса, шу молни сотган дўкон уни қайтариб олади ёки бошқасига алмаштириб беради. Буни аксарият харидорлар яхши биладилар. Аммо бошқа ноозиқ-овқат маҳсулотлар бўлса-чи? Айтайлик, кийим-кечак, пойабзал, зеб-зийнатлар ва ҳоказо. Бундай молларни сотиб олишда адашган харидорлар уларни дўконга қайтариб бера оладиларми? Бу борада харидорларнинг ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинади?***



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 75-қарорнинг 27-бандига биноан, харидор ноозиқ-овқат учун берилган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида, агар бундан узоқроқ муддатга сотувчи томонидан эълон қилинмаган бўлса, сотиб олинган товарни айнан шундай шакл, ўлчам, габарит, русум, рангдаги ёки комплектациядаги бошқа товарга харид қилинган жойда ва сотувчи томонидан эълон қилинган бошқа жойларда нархида тафовут бўлган тақдирда сотувчи билан зарур ҳисоб-китоб қилган ҳолда алмаштиришга ҳақлиги қайд этилган. Бу харидор манфаатини давлат томонидан ҳимоя қилинишини белгилайдиган меъёрий қоидадир. Шу ўринда ушбу ҳуқуқий асоснинг амалдаги ифодасига харидорлар фикрлари орқали жавоб бериш мақсадга мувофиқдир.

— Ўтган ҳафта якшанба куни шу бозордан костюм-юбка олгандим. Уйга боргандан кейин у сал тордай кўринди, — дейди Чилонзор тумани улгуржи савдо бозоридан харид қилаётган Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси, Яҳё Ғуломов кўчасида истиқомат қилувчи Ш. Иноғомова. — Савдо қаторини, жойини, сотувчининг номини сўраб, агар ёқмай қолса, олиб келсам алмаштириб бериши мумкинлигини билиб кетгандим. Мана, бу якшанба олиб келиб, каттароқ размерига ва бошқача рангига алмаштирдим. Сотувчи ҳеч қандай эътирозсиз алмаштириб берди, барака топсин.

Бу ерда гап молни алмаштириш ҳақида кетар экан, унда харидор ҳам, шунингдек, имкон қадар сотувчи ҳам зарар кўрмаслиги керак.

— Бир куни «Чилонзор» буюм бозоридан ўғлимга кроссовка олгандим,— дейди Чилонзор тумани, 23 - мавзеда яшовчи Ш. Ўлмасова. — Бир пойини ўғлимга кийгазиб кўргандим. Уйга келиб қарасам, қутида иккала пой ҳам битта оёқники. Эртасига борсам сотувчи «мендан олмагансиз» деб туриб олди. Касса чеки бўлмаганлиги учун ҳеч нарсани исбот қила олмай, ўғлимга бошқа кроссовка сотиб олишга мажбур бўлгандим. Ҳар ҳолда агар мол сифатсиз бўлса, размери, русуми, ранги тўғри келмаса сотувчилар томонидан алмаштириб берилиши керак. Аммо баъзан харидорлар олган буюми ҳеч қандай камчилиги бўлмаса ҳам ёқтирмай қолса ёки бошқа савдо шохобчасида унинг арзонлигини билса ҳам, қайтариб олиб келишади. Сотувчиларга олинган молга боғлиқ асосли сабаб кўрсатилмайди. Бундай пайтда сотувчилар шу қийматдаги бошқа товарни олишни таклиф қилишади.



— Тўғри, қарорга биноан агар товар сифатсиз чиқса ёки бошқа асосли сабаб бўлса, алмаштириб берилади, — дейди тадбиркор В. Мадумарова, — аммо ҳар бир дўконда касса аппарати орқали тушган пул қайд қилиниб, банкка топширилади. Чек урилгандан кейин пулни қайтариш қийин. Шундай ҳолларда биз харидорга олган молининг нархига бошқа мол танлаши ва шунга алмаштиришни таклиф қиламиз. **Тадбиркорнинг бу фикрларини қарорнинг 28-банди билан шарҳлаймиз:**

27-бандда кўрсатилган харидорнинг товар алмаштириш ёхуд қайтариш тўғрисидаги талаби, агар истеъмол қилинмаган бўлса, унинг товар кўриниши, истеъмол хоссалари, пломбаси, ёрлиқлари сақланган бўлса, шунингдек, ушбу сотувчидан сотиб олинганининг исботи мавжуд бўлса қондирилиши керак, зарур сифатга эга бўлган бўлса, қайтарилмайдиган ёки ноозиқ-овқат товарлари рўйхатда кўрсатилган, ана шундай ўлчам, шакл, габарит, фасон, ранг ёки комплектациядаги бошқа товарга алмаштирилиши мумкин. Бу сотиб олинган молни алмаштирилиши билан боғлиқ мулоҳазалардир.

Бироқ, кўпинча бозорларда, дўконларда «Сотилган мол қайтариб олинмайди» деган ёзувга кўзингиз тушади. Алмаштириш билан қайтариб олиш табиийки, бошқа-бошқа масала. Шу нуқтаи назардан сотиб олинган молни алмаштиришга қараганда, қайтариб олиш жиддий муаммо. Бу эса томонларнинг манфаатидан ташқари ҳуқуқлари, шунингдек, мажбуриятларининг қай даражада билишларига боғлиқ. ***Қандай ҳолатларда сотилган мол қайтарилиши керак?***

**Бу ҳақда юқорида қайд этилган қарорнинг 29-бандида шундай дейилади:**

«Кўрсатиб ўтилган талабларни тақдим этиш ўрнига, харидор сотиб олинган товарни рад этишга ва товар учун тўланадиган пул суммасини қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидир» ёки «Зарур сифатга эга бўлмаган товарни алмаштириш ёки қайтаришда, харидор ўзи сотиб олган зарур сифатга эга бўлмаган товарни сотувчининг ҳисобидан қайтариш керак» дейилган.

Демак, қарорда шундай қайд этилган экан, нима учун айрим дўконларда «Сотилган мол қайтариб олинмайди» деган ёзув осиб қўйилган? Биз бу масалага аниқлик киритиш мақсадида «Олой» бозори савдо мажмуасида худди шундай ёзув осилган дўконлардан бирига кириб, сотувчидан бунинг сабабини сўрадик. Ўзини 5-дўкон эгаси деб таништирган М. Қамбарова бизга шундай изоҳ берди.

— Мен кўрсатилган талабни тўғри тушуниб, унга амал қилиб, агар сотган молим сифатсиз, тикилишида фабрика браки бўлса ёки харидорга ранги, урфи, қиймати ёқмай қолса, қарорда белгиланган муддатда қайтариб олиб келса, савдо белгиси бузилмаган, нархи олиб ташланмаган бўлса, харидорнинг талабига қараб алмаштириб бераман ёки қайтариб оламан. Аммо айрим харидорлар борки, сотувчини ҳам жуда оёқ ости қилиб юборишади. Кўриб турибсиз, кийим-кечаклар билан савдо қиламан. Битта мисол айтай. Шу йилнинг январь ойида бир харидор костюм сотиб олди. Февраль ойида молни қайтариб олиб келиб, менга топширмоқчи. Костюм кийилганлиги учун ололмаслигимни айтсам, «опа бор-йўғи ўн марта кийдим», дейди уялмай. Ахир, инсон тозалиги, гигиенаси деган тушунчалар бор. Тер, тамаки ҳиди ўтириб қолган костюмни кейин кимга сотаман? Бундай воқеалар тез-тез содир бўлиб туради. Охири, шундай ёзувни илиб қўйишга мажбур бўлдим.

Бундан ташқари сиз юқорида бир дўкондаги мол бошқа дўконда арзон бўлса, харидор олган молини қайтариб бериши мумкин ва сотувчи олиши шартлиги ҳақида гапирдингиз. Аммо ҳақиқий мол билан сохталарини фарқлай олмайдиган харидорлар кўпинча шундай иш тутадилар. Аёллар кийимларини тикадиган машҳур фирмаларнинг дўконларда турган сифатли кийимларнинг сохта андозалари бозорларда тўлиб ётибди. Уни кўрган харидор мендан сотиб олган молни қайтариб олиб келади. Мен уларга тушунтириб, сифатини, фарқини исботлаб бераман. Чунки фабрикада профессионал модельеру дизайнерлар томонидан тикилган буюм билан, хусусий цехларда тикилган худди шу урфдаги кийимларнинг сифатида катта фарқ бор. Буни айрим харидорлар жуда яхши биладилар ва шундай кийимларни дўконлардан харид қилишади. Бу биринчидан. Иккинчидан, биз молни хориждан, айтайлик, Туркиядан ўзимиз олиб келамиз. Йўл, божхона, солиқ харажатларини ҳисобга олиб, нарх белгилаймиз. Бу нарх баъзи харидорларнинг имкониятига тўғри келмайди. Шундай харидорлар биздан мол олади-да, кейин бозорда уни арзонроқ кўриб қолса, қайтариб олиб келади. Бу ҳам аслида тўғри эмас. Бизнинг асосий мижозларимиз ўнта сифатсиз молдан битта сифатли ва шунга мос равишда қимматини афзал биладиганлардир.



Сотувчи ўз тажрибасидан келиб чиқиб, фикрларини асосли ифодалади. Шунингдек, шаҳримизнинг бозорлари, дўконларида харидорлар билан қилган суҳбатларида уларнинг ўз ҳуқуқларини нечоғлик билишлари ҳақида илиқ тасаввурга эга бўлдик. Аммо ўз ҳуқуқларини билиш баробарида мажбуриятлари-чи? Унга қай даражада амал қилаётганлари ҳақидаги мулоҳазалар очилмай қолгандай бўлди, назаримизда. Бу эса иккинчи бир субъектнинг ҳуқуқига дахл қилишга бориб тақалади. Фикримизни англаган бўлсангиз, биз харидор ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳимояси сотувчи ҳуқуқи ва манфаатига таъсир кўрсатишига тўхталмадик. Бировнинг ҳуқуқи бошқа бировга дахл қилмаслиги керак. Агар шундай бўлса холислик, мувозанат бузилади.

Айниқса, савдо соҳасида салкам аксиома даражасига етган «Харидор ҳамиша ҳақ» деган қараш бугун кўпроқ кимнинг манфаатига дахл қиляпти? Шу нуқтаи назардан ушбу мақолада биз фақат харидорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари теграсида фикр юритиш билан чегараландик. Сотувчининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари қандай бўлиши керак? Бу ҳақдаги масалаларга кейинги мақолаларимизда тўхталамиз.

**Назира ҚУРБОН,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

## Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

# ҲОФИЗ ТОШКАНДИЙ

***Тошкентдаги ҳазрати Имом мажмуаси, Абу Бакр Қоффоли Шоший мақбараси таркибида Ҳофиз Тошкандий қабри ҳам мавжуд. Нақлга кўра, мақбарага кираверишда ўнг тарафдаги қабр шу зотга мансубдир. Тарихий асарларда Кўҳакий, баъзан Кўйкий деб атаб келинган бу зотнинг исми Султон Муҳаммад бўлиб, Мирзо Улуғбекнинг шогирди бўлмиш машҳур аллома Али Қушчининг набирасидир (XV аср).***

***Эски шаҳарнинг Сағбон кўчасидаги Ҳофиз Кўҳакий (Тошкандий) мадрасаси меъморий ёдгорлиги, ҳозирги Ҳофиз Кўҳакий жомеъси ҳам бу атоқли зот номи билан боғлиқ.***

***У киши Тошкентдан Ҳиндистонга — Бобур Мирзо салтанати тўйига элчи-вакил қилиб юборилган, шу сабабли «Бобурнома»да номи зикр қилинган, кейинчалик Акбаршоҳ ҳузурида ҳам бўлган зотлардандир.***

**УЛУҒ БОБОСИГА ИЗДОШ АЛЛОМА**

Султон Муҳаммад Ҳофиз Кўҳакий – Тошкандий 1490 йилда Тошкент вилоятининг Паркент шаҳрида туғилган. У кишининг бобоси Али Қушчи «Зижи Кўрагоний» асарида «фарзанди аржуманд» деб ардоқланган, Мирзо Улуғбек асарлари бизнинг замонамизгача етиб келишида кўп фидойилик кўрсатгани тарихдан маълум. Бу ҳақда Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» асарида бадиий ифодалар бор. Хайриддин Султоннинг «Тушда кечган умрлар» асарида ҳам у Кўйкий тарзида қаламга олинган. Бу атоқли зот ана шу Али Қушчи силсиласига мансуб, паркентлик зиёли аллома Мирзо Камолиддиннинг ўғлидир.

1572 йилда Тошкент шаҳрида вафот этиб, шу ерда дафн этилган.

Ҳофиз Тошкандий тарихчи, ҳуқуқшунос, таржимон, географ, этнограф, математик, файласуф ва фақиҳ олим сифатида маълум ва машҳурдир. Араб ва форс тилларини, адабиётни мукаммал билган. Тарих, араб тили ва сарфу наҳви, мантиқ илмлари билан ҳам шуғулланган. Аллома Туркистондан ташқарида, хусусан, Эрон ва Хуросонда ҳам кенг шуҳрат топган.

У зот жаҳонгашта олимлардан бўлиб, турли мақсадларда, айниқса, илмий изланишлар ниятида бир қанча мамлакатларга сафар қилган. Чунончи, Миср, Ироқ, Сурия, Яман, Саудия Арабистони, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон (Қашқар, Хўтан, Ёркент, Турфон, Ғулжа) ўлкаларига саёҳат қилгани қомуслардан маълум.

**АСАРЛАРИ**

Ҳофиз Тошкандий ўз мадрасасида мударрислик қилиш билан бирга ўндан ортиқ асарлар ёзган. Ҳуқуқ (фиқҳ) ва динга оид рисолалар битгани тарих китобларида айтилади.

«Рисола фий фанн ат-тафсир вал-усул вал-фуруъ вал-мантиқ вал-калом» («Тафсир, усул, фуруъ, мантиқ ва калом илмлари хусусида рисола»), «Таърихи оли Чингиз» («Чингизхон хонадони тарихи»), «Шарҳу одоб алмунозара» («Мунозара одоби китобига шарҳ»), «Фавоид зиёийа» («Мунаввар фоидалар») шулар жумласидандир.



Шунингдек, у тарихчи Муҳаммад ибн Иньомнинг (X аср) 2 жилдлик «Таърихи Туркистон» асарини форсчадан ўзбек тилига таржима қилган.

Хусусан, у зотнинг қомусий аллома эканлиги асарлари номларидан кўриниб турибди.

**БОБУР МИРЗО ҲУЗУРИДА**

Котиб Чалабий (Ҳожи Халифа) нинг ёзишича, Ҳофиз Тошкандий 1528 йилда Ҳиндистонга – Бобур Мирзо ҳузурига элчи бўлиб борган. Бу ҳақдаги энг ишончли тарихий далил Бобурнинг ўз сўзларидир.

«Бобурнома»да ёзилишича, ҳижрий 935 (милодий 1528) йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур салтанатининг пойтахти – Агра шаҳрида жаҳоншумул тўй ўтказилади. «Шанба куни (робиъул-аввал) ойининг олтисида тўй бўлди», деб ёзади Бобур тўққиз юз ўттиз бешинчи йил воқеаларида. Бу тўйда кўпгина халқлар ва миллатларнинг вакиллари, улуғлари қатнашиб, ҳар бир жамоа ўзига муносиб ўринларга ўтқазилади. Шунингдек, бир қанча мамлакатлар ва султонларнинг элчилари ташриф буюради. Жумладан, Тошкент ва Самарқанддан ҳам киммматли меҳмонлар бор эди.

Ўз даврининг илмли ва эътиборли шахсларидан бўлган Ҳофиз Тошкандий шу тўй муносабати билан Тошкентдан Ҳиндистонга – Бобур Мирзо ҳузурига элчи-вакил қилиб юборилади. Ватандан хабар келтирган элчиларга Шоҳ Бобур айрича меҳр-муҳаббат ва илтифотлар кўрсатади. Чунончи, Бобур ёзади:

«Улуғ ош тортилғондин кейин, Хожа Абдушшаҳид била Хожа Калонға ўрмак абралик киш жуббалар муносиб хилъатлар била кийдурулди. Мулло Фаррух ва Ҳофиз бошлиқ била келганларига чакманлар кийдурулди. Кўчумхоннинг элчисига ва Ҳасан Чалабийнинг инисига ҳам қумош бошлиқ, тугмалик киш жуббалар фарохўрий хилъатлар иноят бўлди. Абусаъид Султоннинг ва Меҳрибон хонимнинг ва ўғлининг, Пўлод султоннинг элчиларига ва Шоҳ Ҳасаннинг элчисига тугмалик чакмонлар, қумош тўнлар иньом бўлди. Икки хожаға ва икки улуғ элчигаким, Кўчумхоннинг навкари ва Ҳасан Чалабийнинг иниси бўлғай, кумуш тоши била олтун ва олтун тоши била кумуш тортилиб, иньом бўлди. Олтун тоши беш юз мисқолдуркум, Кобул тоши бирла бир сер бўлғай, кумуш тоши икки юз эллик мисқолдуркум, Кобулнинг ярим сери бўлғай. Хожа Мир Султонға ва ўғлонларига ва Ҳофиз Тошкандий ва Мулло Фаррух бошлиқ Хожанинг мулозимларига ва ўзга элчиларға ҳам олтундин, кумушдин таркаш била иньом бўлди» («Бобурнома», тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқеалари).

Жумла сўнгидаги «Ҳофиз Тошкандий ва Мулло Фаррух» деб зикр қилинишидан юқорироқда келган «Мулло Фаррух ва Ҳофиз» дейилган жумлада ҳам Ҳофиз Тошкандий кўзда тутилгани англашилади.

Ватан соғинчи билан ўртанган Бобур ватан элчиларига ана шундай улуғ икром-иньомлар билан муносабатда бўлади. Ҳофиз Тошкандийнинг Бобур ҳузурида бўлиб, унинг илтифотларига сазовор бўлиши ва бу воқеанинг «Бобурнома»да зикр қилиниши улкан тарихий ҳодиса бўлиб, алломанинг истеъдод ва салоҳиятидан ҳам далолат беради.

**АКБАРШОҲ ҲУЗУРИДА**

Сўнгроқ, 1569 йилда Ҳофиз Тошкандий Бобурнинг набираси – Акбаршоҳ ҳузурида ҳам бўлади. Котиб Чалабийнинг ёзишича, 1569 йилда Шоҳ Акбар уни қабул қилиб, бобосини кўриш шарафига муяссар бўлган табаррук киши сифатида кўп эъзозлаган, иззат-икромлар кўрсатган.

**ҲОФИЗ КЎҲАКИЙ (ТОШКАНДИЙ) МАДРАСАСИ**

Ҳофиз Тошкандийдан халқимизга ажиб тарихий-меъморий ёдгорлик қолган. Тошкентдаги Ҳофиз Кўҳакий мадрасаси у шахснинг ўзи томонидан ўз ҳовлисида қурдирилган. Аллома шу мадрасада кўп йиллар давомида талабаларга илм ўргатган. Ёдгорликнинг меъморий бичими, ташқи кўриниши, қурилиш матолари унинг XVI асрда бунёд этилганидан гувоҳлик беради. Мадраса тўғри тўртбурчак тарзда, бир қаватли қилиб қурилган. Чорхоқ шаклдаги дарвозахонадан кирилади. Илгари ҳовли ўртасида ҳовуз бўлган. Иморат ғарбида баланд минора, ундан бир оз нарида олд томони қатор устунли, шифтлари нақшинкор айвон, кўп кўббали қишлик бинолар ҳамда толиби илмлар учун равоқли қатор ҳужралар қурилган.

Мустақиллик даврида юртимиздаги барча мўътабар тарихий ёдгорликлар қаторида Ҳофиз Кўҳакий мадрасаси ҳам қайта таъмирланди ва алоҳида жомеъ ўлароқ халқимиз истифодасига берилди. Ҳозирда мадраса жойлашган манзил Ҳофиз Кўҳакий маҳалласи деб аталади.

Тарих қатламларида номлари ва асарлари пинҳон сақланган неча-неча улуғ алломалар истиқлол шарофати билан қайта кашф этилди ва уларнинг маънавий мероси халқимизга қайтарилди. Ўтган неча йиллик истибдод замонларида ҳам уларнинг номини тарих саҳифаларидан ҳеч ким сидириб ташлай олмади. Номи, шарафи, ёдгорлиги қайта тикланган ана шундай улуғ алломалардан бири Ҳофиз Тошкандийдир.

**Раҳшона КЕНЖАБОЕВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**




**«СУҚ»** — «суқланиб қараш» ибораси ҳозирги пайтда кўпроқ яхши кўриш маъносини англатади. Дейлик, «йигит қизга суқланиб қаради» каби. Асл илдизга эътибор қилсак, бу сўз «очкўзлик билан қараш» маъносини билдирган. Қадимда шаҳодат бармоғини «суқ бармоқ» дейишган. «Чунки, у овқатга ҳаммадан олдин узалувчи очкўз бармоқдир» — деб изоҳ берилган «Девон»да.

**«СОҒИНИШ»** — бу сўзнинг асл маъносига эътибор қилсангиз унинг тарихини яхшироқ ҳис этасиз. «Соғинди» сўзи ўзининг илк даврларида «бировнинг ғамини еди» деган маънони билдирган. Дарҳақиқат, бу сўз ҳозир ҳам биров учун куйиниш, биров учун интилиш мазмунини англатади. Шундай экан, «сиғинди» сўзининг туб илдизи ҳам «соғинди»нинг илдизи билан бир бўлса ажаб эмас.

**«ЙИҒЛАДИ»** — «Девон»да «чиланди» деган сўз келтирилиб, бу сўз «намланди, терланди» маъносида изоҳланган. Шевада «йиғлади» сўзининг «жилади» шакли ҳам бор. Мантиқан ўйлаб кўрилса, «чиланди» билан «жилади» бир-бирига яқин. Қолаверса, йиғлаганда кўз намланади. Тўғри, «йиғлади»нинг «сиғтади» шакли «Девон»да бор, аммо ҳозирда ҳам тилимизда «йиғлаб-сиқтади» ибораси ишлатиладиким, бунда «сиғтади» «йиғлади»га яқин маънодаги бошқа бир сўз эканлиги аниқ бўлади.

**«ЮПАТДИ»** — бу сўзни бугунги кунда ҳаммамиз ижобий маънони англатувчи сўз сифатида қабул қиламиз. Фалончи пистончини юпатди, деган гапда заррача салбий жиҳатни сезмаймиз, аксинча, кўнгилга қараш, бировни алдаш, ўзгани эҳтиётлаш маъносидаги яхши жиҳатларни тушунамиз. Лекин бу сўзнинг асл мазмуни «алдади», «бошқа бировга тўнкади», «билиб туриб билмасликка олди» дегани экан.

**Чингиз ШУКУРОВ**
**тайёрлади.**

# КЎНГИЛЛАРГА МЕҲР УЛАШИБ...

**МУРУВВАТ**

Республикамизда Хотира ва қадрлаш кунлари ўтган бўлса-да, унинг шукуҳи, тадбирлари, хайрли ишлари ҳамон давом этмоқда. Кўнгли ярим, мурувватга муштоқ инсонларга меҳр кўрсатиш, кекса онахон-отахонларни зиёрат қилиш, ҳолидан хабар олиш каби хайрли одатлар амалга оширилмоқда. «Оила» илмий-амалий маркази ходимлари Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Беруний кўчаси 3-уй, 43-хонадонда яшовчи она-бола 2-гуруҳ ногиронлари Фароғатхон Исаева ва Малоҳатхон Қиличеваларнинг хонадонига қадам ранжида қилишди. Уларнинг кўнгилларини ширин сўзлар билан кўтариб, байрам билан муборакбод этишди.

Марказнинг Андижон вилояти бўлими ходимлари эса Андижон шаҳри, Дўстлик маҳалласи, Мирболти кўчасида истиқомат қилувчи 101 ёшли нуроний онахон Холисхон Парпиевани зиёрат қилиб, марказ томонидан онахонга аталган эсдалик совғани топширдилар.

Шундай экан, ҳар биримиз атрофимиздаги таниш-нотаниш одамлардан ширин сўзимизни, эътиборимизни аямайлик. Ахир, кимнингдир ўксик кўнглини кўтариш эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамлаш эмасми?

**К. АҲМЕДОВА.**



## Нигина ШЕРМУҲАМЕДОВА:

# ҲАҚИҚИЙ МУҲАББАТ НИКОҲДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ!

***Кейинги йилларда жамиятимизда хотин-қизлар фаоллиги тобора ортиб бораётганлиги алоҳида эътироф этилмоқда. Нозик хилқат эгалари анъанавий ижтимоий-сиёсий соҳалар қатори иқтисодиётнинг турли тармоқлари, бизнес ва тадбиркорликда ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқдалар. Бир сўз билан айтганда аёллар ижтимоийлашмоқда. Бунинг исботи аёллар фаоллигининг жамият тараққиётига, маънавий-маърифий ҳаётига таъсири кучаяётганида ҳам яққол сезилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети «Фалсафа ва фан методологияси» кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Нигина ШЕРМУҲАМЕДОВА билан тайёрлаган суҳбатимиз мавзуси ҳам айнан шу ҳақда.***

— Бугунги кунда мамлакатимизда аёлларнинг оила ва жамиятда ўз ўринларини топиши учун барча шароитлар яратилган. Бундай имониятлардан тўла фойдаланиб, аёл ўзини нафақат оила бекаси, балки жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида англаса, қобилиятини тўғри йўналтира олса, фақат оилада эмас, балки ҳалол меҳнати билан жамиятда ҳам ўз ўрнини топа олади, — дейди суҳбатдошимиз. — Агар у фақат оилани умр мазмуни деб билса, пировардида намоён қилинмаган қобилият, фойдаланилмаган имконият, эришилмаган ютуқлар у учун армонга айланади.

Шуниси қувонарлики, сўнгги йилларда ўз мақсадини аниқ билган, оила бекаси, фарзандларининг онаси бўлиши билан бир қаторда, жамият тараққиётининг турли соҳаларида касби орқали камолотга эришаётган аёлларимизнинг сони кўпайиб бормоқда.

**— Бир ишнинг бошини тутиш ёки касб-кор ҳақида гап кетганда, эркакларга қараганда аёлларга нисбатан барибир ишончсизлик сезилиб қолади. Нега шундай? Бунга муайян асос борми ёки бу ўртадаги мувозанатнинг тенг эмаслигига ишорами?**

— Илгари бор эди шундай қарашлар, ҳозир бу қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас. Чунки жамият ҳаётининг қайси бир тармоғини қараманг, у таълим тизимлари, соғлиқни сақлаш ёки транспорт, хуллас, бирор соҳа йўқ-ки, аёл ўз зиммасидаги шарафли вазифани қойилмақом қилиб уддаламаётган бўлса.

Албатта, таъкидлаш жоизки, аёлнинг шахс сифатида камолотга эришувида эркакнинг ўрни жуда ҳам салмоқли. Чунки фақат турмуш ўртоғи кўллаcагина аёл мақсадларига эриша олади, жамиятда ўрнини топади, оилада ўзаро ишонч, садоқат ва ҳурмат муҳити юзага келади, фақат эрининг мададини ҳис қилсагина аёл чинакамига бахтли бўлади.

**— Сизнинг тасаввурингиздаги замонавий ўзбек аёлининг сийрати қандай бўлиши керак?**

— Замонавий ўзбек аёли ўз бегининг бегойими, боласининг меҳрибон онаси, ота-онасининг меҳрли фарзанди, дугонаси, ёру биродарларининг оқибатли дўсти, шунингдек, жамиятда ўз ўрнини топа олган касб эгаси бўлиши лозим. Бундай аёл фақат бугуни билан эмас, балки ўтмишнинг ибратли анъаналарини ўзлаштириши, келажак аёлларига ҳам ўрнак бўла олиши керак. Мустақил Ўзбекистонимизда келажак пойдеворини қўйишга ҳисса қўшаётган, ўзининг самарали меҳнати билан касбидан камол топиб, айни пайтда ўзбек аёлига хос иффат, ор-номусини сақлаб, меҳроқибатга риоя қилаётган қанчадан-қанча хотин-қизларимиз билан ғурурлансак арзийди.

**— Аёлларга нисбатан заифа, ожиза деган сифатлар уларнинг табиатига нисбатан қўлланиладими ёки ижтимоий ўрнига бериладиган баҳоми? Сиз буни қандай талқин этган бўлардингиз?**

— Аллоҳ ато этган тўлғоқ азобини фақат аёлдек метин зотгина чексиз сабр-тоқат билан енга олади. У ҳар қандай мусибатни кўтариши, залворли жисмоний ишни бажариши мумкин. Фақат аёлгина ишдан қайтиб, чарчоқни ҳам сезмасдан овқат пишириши, кир ювиши, болага қараши, меҳмон кутиши, меҳмонга бориши, турмуш ўртоғининг кўнглини олиши ва буларнинг ҳаммасини кундалик юмуш сифатида бажариши мумкин. Аёл зоти табиатан дардга тоқатли. Тумов, бош ёки томоқ оғриғи кабилар у учун дард эмас, хасталик суягига тақалмаганича чурқ этмай юраверади. Эркаклар-чи? Салгина шамоллаб қолишса, кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олишади. Чунки уларни шу ҳолда боласини асрагандек парваришлайдиган аёли бор-да. Шу боис эркаклар аёлнинг кучи, иродасини ҳис қилишса-да, илгари ҳам, ҳозир ҳам, уларни эркалаш маъносида «ожиза» деб атаган бўлсалар, ажаб эмас.

Бугунги кунда мураккаб жарроҳлик операцияларини қилаётган, ёстиқдек келадиган катта илмий асарларни яратаётган, давлат бошқарувида муносиб иштирок этаётган, 100-200 гектарлик ерларда боғдорчилик ёки пахтачилик билан шуғулланиб, катта муваффақиятларга эришаётган, умуман қайси соҳа бўлмасин, хайрли ишларни амалга ошираётган аёллар меҳнати юртимизда муносиб қадрланмоқда. Илгари аёллар фақат оила ишлари билан машғул бўлсалар, XXI аср хотин-қизларининг жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш, касбу ҳунар орқали тараққиётга муносиб ҳисса қўшиш каби янги қадриятлари ҳам шаклланди. Бу ижобий ҳол, албатта.

**— Аёл олдида оила ва иш дилеммаси юзага келса, яъни иккисидан бирини танлаш зарурати туғилса, қай бирини танлагани маъқул?**

— ОИЛА, ОИЛА ва яна ОИЛАни танлаш лозим. Чунки фарзандсизлик аёл учун катта бахтсизлик. Оилали, фарзандли аёлгагина касбий ютуқлари татийди, акс ҳолда унинг барча муваффақиятлари саробга тенг. Айни пайтда аёл оила деб ўзлигидан кечмаслиги, касбим деб оиласини йўқотмаслиги керак.

Бугун оила нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг барча мамлакатларида қадрият сифатида эътироф этилмоқда. Фарзанд — оиланинг муҳим таянчи. Уни дунёга келтириш, камолга етказиб, солиҳ фарзанд қилиб тарбиялаш олий қадрият эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Зеро, ўтган асрнинг 50–70 йилларида ўз даврининг машҳур аёллари касбий ютуқларидан сармаст бўлиб, фарзанд тарбияси у ёқда турсин, ҳатто бола кўришни орзу қилмагани оқибатидаги машъум тақдири ҳозирги янги аср аёллари учун улкан сабоқдир. Балки шу боис, бугун дунёнинг таниқли актрисалари, сиёсат арбоблари нозик қоматлари бузилишидан қўрқмасдан, нафақат ўзлари фарзанд кўрмоқда, балки бировларнинг болаларини ҳам асраб олиб тарбиялаяпти. Арзимаган сабабларга кўра ажралиш оқибатида фарзандларини тирик етим қилаётган ота-оналар бундан тегишли хулоса чиқаришса, яхши бўлар эди.

**— Лекин оила қадрият сифатида эътироф этилаётганига қарамай, ажралиш ҳолатлари кўп учраётганига нима дейсиз?**

### АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

— Дунёда бир хил фазилатли, феъл-атворли одамнинг бўлиши мумкин эмас. Шу маънода мутлақо бошқа муҳитда яшаган, тарбияси ва фазилатлари бир-бирига ўхшамайдиган икки ёшнинг аҳил турмуш кечириши, аввало, оналар тарбиясига боғлиқ. Оналар қизларига балоғат ёшидаёқ аёл қилиши зарур бўлган барча юмушларни ўргатиши, хушмуомала, такаллуфли бўлиши зарурлигини тушунтириши лозим. Афсуски, бугунги кунда баъзи оналаримиз қизларини ҳаддан ташқари эркалатиши ва айрим ҳолларда жуда ёш турмушга бериш оқибатида оилаларда муаммолар пайдо бўлмоқда.

Оила қурмоқ бу қизнинг келинлик либосини кийиб, ўз гўзаллиги ва латофатини кўз-кўз қилиши билан белгиланмайди. Оила қуришнинг масъулияти ва мажбуриятлари бор, буни эса фарзандига она ўргатиши зарур. Демак, ёш оилалардаги барқарорликни сақлашга ота-оналар масъулдирлар. Фақат оиланинг муқаддаслигини англайдиган, отасиз ё онасиз қолган фарзандларнинг етим боладан фарқи бўлмаслигини тушунган одамгина қийинчиликларга, турмушнинг «мушт»ларига тоқатли бўлади. Ҳою ҳавасларга берилиб, «севдим, севилдим» деб айюҳаннос солиш нотўғри. Оила қуришда эҳтиросга эмас, балки ақлга таянилса, ёш оилаларнинг ажралиш ҳолатлари камаярмиди...

Оила гулга ўхшайди, гулга қанча сув қуйсангиз, у узоқ муддат кўзни қувонтиргани каби эр-хотиннинг бир-бирига меҳри ҳам оила пойдеворини мустаҳкамлаш омили саналади. Зеро, ҳақиқий муҳаббат никоҳдан кейин бошланади. Айни шу даврда ўзаро ҳурмат, меҳр шаклланади. Жуфти ҳалолларнинг бир-бирига бўлган чинакам меҳри эса ҳар қандай севгидан кучлироқ.

**Дониёр КАМОЛОВ суҳбатлашди.**



# «ОИЛА МАКТАБИ» НИМА УЧУН ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ?

### БАХТ ОСТОНАСИ

***Юнусобод туман ФҲДЁ бўлими мудираси, жамоатчилик асосидаги ёш оила қурувчилар мактаби раҳбари Марҳамат ЮЛДАШЕВА билан суҳбатимизни ана шу саволдан бошладик.***

— Одамларнинг фақат ташқи кўриниши эмас, характерлари, орзу-интилишлари ҳам ҳар хил бўлади. Оилалардаги қувонч-ташвиш, ютуқ ва муаммоларнинг бир-биридан фарқланиши шундан. Ёшлар оила қурар экан, энг аввало, янги муҳитга мослашишлари учун ҳар тарафлама тайёр бўлишлари лозим. Ёш оила қурувчилар мактабининг асосий фаолият дастури ана шу хайрли ишда ёшларга тўғри йўлни кўрсатишдир.

Биз машғулотларимизда ёшларнинг оила саводхонлигини юксалтириш, маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий билимларини оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Миллий ғоя, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналари кенг тарғиб қилинаяпти. Мақсадимиз ёшларимиз қураётган оилалар мустаҳкам бўлсин.

**— Демак, мактаб тингловчилари асосан ёшлар экан-да?**

— Албатта, тумандаги барча касб-ҳунар коллеж, академик лицей талабалари, балоғат ёшига етган йигит-қизлар, ФҲДЁ бўлимига ариза берган оила қуриш бўсағасидаги келин-куёвлардан иборат. Улар етакчи ҳуқуқшунослар, тиббиёт ходимлари, олимлар, социолог, руҳшунос ва бошқа соҳа мутахассислари маърузаларини тинглашлари, амалий машғулотларда иштирок этиб, баҳс-мунозара, мулоқотларда қатнашиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари мумкин.

Шунингдек, машғулотларимиз давомида ибратли оила соҳиблари маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари, хотин-қизлар кенгаши фаоллари, ёзувчи, шоирлар, маданият арбоблари билан учрашувлар ўтказиш ҳам анъана тусига кирган.

**«Оила ва жамият» мухбири Ўктам АБДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**



# 18 ГА КИРМАГАН КИМ БОР?

# БАХТЛИ БЎЛИШ УЧУН КУРАШИНГ

**«Оила ва жамият» газетасининг шу йилги 18-сони шу рукнда берилган дил сўзларини ўқигач, дугоналарим Наима ҳамда Санобарнинг севги тарихи ёдимга тушди. (Исмларини ўзгартирдим. Ахир, улар ҳозир болачақали, набирали.)**

**НАИМАНИНГ ҲИКОЯСИ:**

— Қарасам, Анваржон жим юрибди, шартта бир қарорга келдим-да, паспортимни қўлига бердим. «Мана, паспортим, курсдош! — Агар таклифим маъқул келса, эртага соат 12 да ишхонамга чиқинг. ЗАГСга зув бориб, ариза бериб келамиз!» — дедим. Анваржон бу гапни эшитиб, қотиб қолди. Сўнг кўзлари пориллаб, юзлари дув қизариб кетди. Бир менга, бир паспортимга қараб каловланди ва бош силкигандай бўлди. Мен шу заҳотиёқ орқамга қайтиб, ишхонамга кириб кетдим. Жойимга ўтиргач, «нима қилиб қўйдим?! Нима қилиб қўйдим», деб пешонамни чангаллаб, афсусландим. У гўё орқамдан келиб, «мана, паспортинг, олиб қўй», деяётгандай бўлаверди.

Ахир, мен нима қилай? Талабалик йилларимизда уни севиб қолдим. Лекин айтолмадим. Қиз бола биринчи бўлиб севги изҳор қилмайди, деган ақида билан яшадим. Бир кун ўзи севги изҳор қилар, деб кутдим. Чунки унинг ҳам менга меҳрли қарашларини кўпинча сезиб қолардим. Йўқ, у жим! Йиллар ўтиб бораяпти. Унинг ҳам, менинг ҳам севги изҳор қилишга вақтимиз йўқ. Фикри-ёдимиз илмда. Кўзларимиз тўқнаш келиб қолганда, уни билмадиму менинг юрагим гупиллаб, ёнидан тезроқ ўтиб кетсам дердим. Шу зайл ўқишни ҳам тугатдик. Икковимиз икки хил нашриётга ишга келдик. У тўртинчи қаватда, мен эса учинчи қаватда ишлай бошлаганимизга ҳам бир йилча бўлиб қолди. Ҳамон жимлик... Тавба, шунақаям йигит бўладими? Менинг эса уйимда ота-онам тинч қўйишмади. «Ҳой, совчилар келаяпти, нима дейлик? Ёшинг ўтиб бораяпти. Ё ўзингнинг танлаганинг бўлса, айт!» дейишади. Мен ҳар гал турли хил баҳоналар ўйлаб топаман. Кўз ўнгимда эса фақат Анваржон гавдаланаверади. Бас, таваккал қиламан. Шундоқ яхши йигитни бировга бериб қўймайман. Демак, масала узил-кесил ҳал бўлиши керак! Йўқ, деса уни унутишдан ўзга чора йўқ!

Шундай қилиб, ўша куни идорада ҳам, йўлда ҳам, уйда ҳам мискин хаёллардан бўшамадим. Эртасига ишга келдим. Қани энди соат 12 бўла қолса. Вақт шунчалар имиллардики, асти қўяверасиз... Ниҳоят, соат миллари 12 га яқинлашганда хона эшиги аста чертилди. Юрагим ёрилай, ёрилай, деди. Ўзимни қўлга олиб, мардларча қадам ташлаб, ўнг қўлимни паспортимни олишга чоғлаб, эшикни очдиму ҳайратдан қотиб қолдим. Анваржон пўрим кийиниб, сочини чиройли тараб, кўзлари шодликдан чарақлаб турарди.

— Юринг! — деди у овози титраб.

— Қаёққа?

— ЗАГСга ариза беришга-да... Мен ҳам мана, паспортимни олдим — деди ёш боладай қувониб

— Ота-онангиздан сўрадингизми?

— Айтдим. Улар рози!

Шундай қилиб, ота-оналармиз розилиги, дуоси билан бир ойдан сўнг тўйимиз бўлди. Менинг назаримда биздан бахтиёрроқ оила йўқ эди, дунёда.



— Ҳа, у ҳам сени севаркан, ўз вақтида нега изҳор қилмапти? — сўрайман Наимадан.

— Рад жавоби беришимдан қўрқиб, сабр қилиб юраверибди. Мана энди «сабрнинг таги олтин!» деб мақтанади.

Ҳа, Наимахон севиб-севилган. Лекин бир-бирларига бир оғиз севги изҳор қилмай, етаклашиб юрмай ҳам бахтли бўлишган.

Шунинг учун ҳам мен ёзувчи Адам Жексоннинг «Муҳаббатнинг ўнта сири» китобида айтилган «Агар севсангиз уни ошкор этинг, қачон менга севги изҳор қилишаркин, деб кутманг. Бахтли бўлиш учун курашинг», деган гапларини маъқуллайман. Бу фикрни газетада талаба Шоҳсанам Ниёзова шундай тўлдиради. «Мен азиз қизларга шуни айтардимки, агар кимнидир чин юракдан севсангиз, дилингизни ёришга имкон топинг. Башарти, у рад жавобини берганда ҳам сиз ютасиз. Чунки энди хаёлингизни банд этган инсон сизга бефарқлигини билганингиздан кейин уни унутишга ҳаракат қиласиз. Тақдирга тан берасиз. Бу ширин ёлғонга, ушалмас орзуга берилиб яшагандан кўра афзалдир».

* * *

**САНОБАРНИНГ ҲИКОЯСИ:**

— Тортинчоқлигим туфайли бир умр армонда яшаяпман. Юқори синфда ўқиб юрганимда Раҳимжонни севиб қолдим. Лекин ошкор этишга, ақалли хат ёзишга ҳам жазм қилолмадим. Бир маҳал қарасам, Мукамбар деган синфдошим Раҳимжон билан «гаплашиб» юрибди. Эшитишимча, у Раҳимжонга «мен сизни севаман!»деб айтган эмиш. Тавба! Мен ўз ёғимга ўзим қовурилиб қолавердим. Кейинчалик ўзим севмаган бир йигитга турмушга чиқиб, сира-сира унга кўнгил беролмадим. Болалар бор, ноилож яшаб юрибман. Лекин юрагим бўм-бўш. Раҳимжон ҳам Мукамбарга уйланмади. Севмаганини кейинроқ тушунди, шекилли. Сўнг ота-онаси топган қизга уйланди. У ҳам бир нави яшаб юрибди, деб эшитаман.

Инсон дунёга бир марта келади. Шунинг учун севиб-севилиб яшаш бахтига нима етсин! Демак, севги агар ҳақиқий бўлса курашиш керак! Ҳамманинг бахтли бўлишга ҳаққи бор.

**Санъат МАҲМУДОВА**

# АРО ЙЎЛДА ҚОЛДИМ

Ёшим 18да, Пойтахтдаги институтларнинг бирида ўқийман. Талабалик давримда бирор йигитга кўнгил қўймадим. Фарҳод исмли бола билан танишганимга ҳам салкам бир йил бўлди. Ниҳоятда ақллилиги билан бошқа йигитлардан ажралиб турарди. Уни илк бор кўрганимдаёқ севиб қолгандим. Анча пайт учрашиб юрдик. Бир куни у уйимизга совчи юбормоқчи эканлигини айтди.

— Ҳали биринчи курс талабасиман, ўқишни битириб магистратурага ҳам кириш ниятим бор — дедим.

— Қўрқманг, ўқитаман, — деди у.

— Ота-онам зиёли одамлар. Опам олий ўқув юртининг 4-босқич талабаси. Мен ундан олдин турмушга чиқа олмайман. Қолаверса, ота-онам буни исташмайди, — дедим.

Яқинда Фарҳоднинг опаси мени излаб келиб, «синглим, жуда иболи, яхши қизга ўхшайсиз. Сизни хафа қилмоқчи эмасман-у, аммо бизга ўқимишли келин керак эмас. Тўғри тушунинг, Фарҳод оилада ёлғиз ўғил, онам етмишдан ошган, уларга қарайдиган, хизматини қиладиган келин керак. Сизнинг шартнома пулингизни тўлашга имконимиз йўқ. Агар, ростданам севсангиз, ё укамни, ё ўқишни танланг» — деди.

Нима қилишни, қандай йўл тутишни билмай қолдим. Ўқишни танласам... Фарҳодсиз ҳаётимни тасаввур ҳам қила олмайман. Аро йўлда қолдим, азиз газетхонлар, менга маслаҳат беринг, қайси йўлни танлай?

**Матлубанинг айтганларини**
**София НАЗАРОВА**
**оққа кўчирди.**

**Акмал САЙЙИД**

## МЕН КЕЛДИМ...

***

*Мен келдим, сен кетдинг, ғийбат ўқилди,*
*Сен келдинг, мен кетдим, ғийбат ўқилди.*
*Мен келдим, сен келдинг, ўртада яна*
*Учинчи одамга ғийбат тўқилди.*

***

*Бу кўнгил ёр тиласа, сени дейди,*
*Бу кўнгил ор тиласа, сени дейди.*
*Бевафолик тиласа, гар бу кўнглинг,*
*Бу кўнгил дор тиласа, сени дейди.*

***

*Келдингми, из қолдир, боринг ўшадир,*
*Мискинни суясанг, коринг ўшадир.*
*Бошинг ёстиқдадир, севганинг бедор,*
*Дардингга гар малҳам ёринг ўшадир.*

ҚИСМАТ

# МЕҲРГА ЗОР ЮРАКЛАР

Тумандаги маҳаллаларда ободонлаштириш ишларининг боришини кўздан кечириш мақсадида маҳалла маслаҳатчиси билан кўчадан ўтиб бораркانмиз, бир дарвозадан ўқдай отилиб чиққан 6–7 ёшлардаги қизалоқ бизга урилиб кетди. Дағ-дағ титрайди, кўзлари тўла ёш. Хавотир аралаш дарвозага қараркан, ортимизга яширинишга уринарди.

Ундан нима бўлганини сўраб улгурмасимизданоқ дарвозадан қўлида таёқ, жавраганча бир аёл чиқиб келди. Ҳайҳот, бизни кўриб ҳам шанғиллашдан тўхтамас, аксинча, қизчани урмоққа интиларди.

— Жўжалардан кўзингни ўзма дегандим-а, сенга! Бир эмас, иккитасини мушук еб кетибди. Жонингни суғуриб олайми, ҳароми?!

— Ҳай-ҳай, Мастурахон, ўзингизни босинг, синглим. Болани қўрқитиб юборасиз-ку! – деди ҳамроҳим аёлнинг қўлидаги таёқни олиб, нарига ирғитиб юбораркан. — Иккита жўжа ўлақолсин, болангиздан азиз бўлмай. Мушукнинг ризқи экан, едди-кетибди-да! Болада нима гуноҳ?!...

— Кўрмайсизми, опа, шу етимчалар яхши есин, яхши кийсин деб жоним ҳалак бўлса, бу ризқинг қийилгурларнинг муштдайи ҳам куйдирса! Пешонам шўр экан ўзи...

Аёл кафтини пешонасига қўйганча, ёлғондан кўз ёши тўккандай бўлди. Маслаҳатчи опа уни овутиб нималардир деди. Сўнгра аёл қизчанинг қўлларини омбурдай сиқиб, уйга олиб кириб кетди.

Биз йўлимизда давом этдик. Бироқ, беш-ўн қадам юрмасимиздан ҳовлидан яна ўша аёлнинг қаҳрли овози, қизалоқнинг чинқириб йиғлагани эшитилди...

— Ўгай-да... — деди опа, сўнг дарҳол изоҳ беришга шошилди. — Болалар уч нафар, оналари бевақт оламдан ўтди. Ота шу аёлга уйланди. Бефарзанд экан...

Бу маҳаллага нега келганим ҳам ёдимдан кўтарилаёзганди. Хаёлимда фақат бир сўз айланарди: «Бефарзанд аёл экан»...

Назаримда, бу аёл бефарзанд эмас, балки бемеҳр эди, бемеҳр... Бу бефарзандликданда ёмонроқ қисмат эмасмикан?!...



* * *

Бундан бир йил аввал дугонамнинг турмуши бузилди. Ўртада икки фарзанд бор эди. Катта қизи эрида, кичиги дугонамда қолди. Унинг ота-онаси ўтиб кетишган, аканинг қарамоғида бўлгани учун бунга рози бўлмасликдан бошқа чораси йўқ эди.

Бир куни унинг тўнғичини қайтариб олиб келишганини, касалхонада даволанаётганини эшитдим. Дарҳол кўриб келиш учун йўлга тушдим. Афсуски, боланинг аҳволи оғир эди. Иситманинг зўридан алаҳлар, юзлари, оёқ ва қўллари шишиб кетганди. Онасининг кўзида ёш, тақдирига лаънатлар айтиб, кимнидир худога соларди.

Билишимча, қизча бувиси билан бирга яшаган. Боланинг буйраги шамоллаганини билишса ҳам, уч-тўрт кун сурункасига гилам ва полосларни ювишга мажбур қилишган. Уззукун оёғи муздай сувда бўлган қиз азоб исканжасида қолганди...

Беш ёшли қизалоқ гилам ювишни уддалай оладими? Бу саволга жавоб топган билан энди фойдаси йўқ эди.

* * *

Газетага мақола тайёрлаш мақсадида бир маҳаллага боришга тўғри келди. Йиғиндагилар намунали дея хонадонлардан бирига бошлаб боришди.

Хонадон соҳибасининг олти келини бўлиб, қишлоқда обрўси баланд, пиру-бадавлат онахонлардан экан. У суҳбатимиз давомида тотув турмуш қуриш шартлари, оналик ва қайноналикнинг шарафию машаққатлари ҳақида кўп гапирди. Меҳр-муҳаббатнинг фарзанд тарбиясидаги аҳамияти хусусида ғоят қимматли фикрларини таъкидлаб ўтди.

Онахоннинг сўзларини тинглarkанман, бир нарса эътиборимни тортди. У ёнида ўтирган 3–4 ёшлардаги болага тез-тез қараб қўяр, бу қарашларда меҳрдан нишона йўқ, буни сезиш қийин эмасди.

Шу пайт ногоҳ болакай дастурхонда турган пиёладаги мураббони тўкиб юборди. Дарҳол бувисига қўрқув билан боққан кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— Бор, ойингнинг ёнига чиқ!!!

Буви бўлмиш боланинг қўлидан ушлаб, даст ўрнидан турғизиб қўйди. Билагини чимчиб олди шекилли, бола бир қўли билан ўша жойни ушлаганча ташқарига йўналди.

— Тақдир экан, кенжамнинг биринчи оиласи келин қилиб туширганимга етти ой тўлиб-тўлмай қазо қилди. Ўғлим икки йил уйланмай юриб, охири, бир боласи бор жувонни танласа, денг. Бу ўша аёлнинг этагидан эргашиб келган. Сал довдирроқми-ей...

Онахон яна нималардир деди. Аммо мен у ҳақда газетага мақола ёзиш фикридан қайтдим. Маҳалладагилар мақтаган аёлнинг ҳақиқий қиёфасини шу биргина ўгай набира боис тасаввур этиб бўлгандим...

**Шаҳло ТОШБЕКОВА,**
**Наманган вилояти.**

БОР ГАП

# САРИШТАЛИК СИЗГА ЯРАШАДИ

Ҳар кеч ўқишдан қайтаётиб, кўчада турмуш ташвишларидан нолиб, рўзғор етишмовчиликлари ҳақида қўшниларига гапириб бераётган аёлларга дуч келаман. Қулоғимга чалинган гаплардан оила ташвишларини, рўзғор камчиликларини достон қилишларидан фойда бормикан? — деб ўйлайман. Энг ачинарлиси, бундайлар ўз атрофидагиларга салбий таъсир ўтказаётганликларини билишармикан? Ана шундай қўшни аёллардан бирига «рўзғор ишларидан бўшаган вақтингизда тикиш-бичиш ёки пазандалик каби ҳунарларни ўргансангиз-чи, ҳеч бўлмаганда, битта бадиий китоб мутолаа қилсангиз бўлмайдими», десам, ундан «биз ҳам бошқа аёллар каби дам олишга ҳақлимиз-ку, ишламасак, одамлар ичида кўп юрмасак, оила юмушларидан бўшаган вақтимизда бир-биримизга кўнгил очиб, суҳбатлашишнинг қандай ёмон томони бор», деган жавобни олдим. Бир томондан унинг гапида ҳам жон бор. Рўзғорнинг иши тугамайди. Аммо, айрим аёллар «турмуш ўртоғим менга ишлаб нима ҳам орттирардинг? Ундан кўра, уйда ўтириб, болалар тарбияси билан шуғуллан, уй-рўзғор юмушларини бажар», деб ишлашга йўл қўймайди. Кўчага чиқмасам, бир жойга бормасам, шошиб нима қилдим? Шу ишларни бугун қилмасам, эртага бажарарман. Сал кўнглимни ёзай деб кўчада аёллар билан гаплашаман», — деди. Уй-рўзғор ишлари, фарзандлари тарбиясини «қойиллатиб» уззукун кўчада гап сотиб, ўтган-кетганни муҳокама қиладиган бундай аёлларнинг уйларига остона ҳатлаб кирсангиз, ҳар бурчакда кийимларнинг палапартиш сочилиб ётганини, хоналардаги полларнинг чанг босганини кўрасиз. Халқимизда «аёлнинг саришталиги унинг ошхонасига, рўзғор буюмларини қандай тутишига қараб баҳоланади», — дейилганидек, ошхонасига кирганингиздан бадбўй ҳиддан кўнглингиз айнийди. Қозоннинг қорайиб, ёғ босиб кетгани, кўрпачаларининг кир бўлиб, ўтиришга ҳам ярамай қолганлигидан беихтиёр лабингизни тишлайсиз. Оддийгина уй бекасига хос саранжом-саришталикни билмаган бу аёл қандай қилиб фарзандига яхши тарбия бера олади, унга нима ўргатади? Назаримда, ана шундай опа-сингилларимиз фарзандларини ҳам ҳаётга енгил-елпи қарашга, боқимандаликка, ҳафсаласизликка ўргатади. Шунинг учун улар ишлайдиларми ёки уйда ўтирадиларми, аввало аёллигини, саришталик, покизалик ва эпли бўлиш уларгагина хос эканлигини унутмаса яхши бўларди. Аксинча...

**Нилуфар ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

# КИЙИНИШ ОДОБИ... ҚИЗЛАРГА ХОСМИ?

АКС-САДО

Сўнгги пайтларда ёшларнинг кийиниш маданияти хусусида танқидий чиқишлар матбуотда тез-тез кўзга ташланяпти. Хусусан «Оила ва жамият» газетасининг 16-сонида тадқиқотчи Ш. Акрамованинг «Кўркам либос — кўркимиз» сарлавҳали таҳлилий мақоласида миллий кийиниш маданиятимизнинг барча жиҳатлари қамраб олинган. Чиндан ҳам муаллиф тўғри таъкидлайди, кийиниш фақат ҳимоя воситаси эмас, балки миллатнинг, халқнинг юзидир.

Аммо кийиниш борасида йигитларимизнинг урфларга ружу қўйиши қизларимиздан қолишмайди. Баъзилар калта шим, енги йўқ майкаларда, сочини ола-була бўяб юрса, баъзи ёшлар орасида соқол қўйганлар ҳам тез-тез учрайди. Бунинг устига ўзимизнинг марғилонча, андижонча қалампиргул дўппиларимизнинг ўрнига бошқа миллатларга хос бўлган матодан тикилган ёки тўқилган думалоқ шаклдаги оқ бош кийимни киядилар. Бу билан кийинишга нисбатан, айниқса, миллий кийим борасида сансалорлик қилмоқчи эмасман. Аммо миллий ёки рисоладагидек кийиниш фақат қизларга тааллуқлими?

**Ирода ЖЎРАЕВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.**

ОИЛА ДАРСХОНАСИ

### АБУ БАКР ВАРРОҚ ТЕРМИЗИЙ ИНСОН ТАБИАТИ ҲАҚИДА

*Одамзотнинг асли зуваласи сувдан ва тупроқдандир. Бир кишининг табиатида сув унсури голиброқ бўлади. Уни латифлик ва риёзат билан тарбият қилмоқ лозим. Агар унга дағаллик билан муомала қилинса, у ўзгаради — айнийди, сўнг мақсадга етиб бўлмайди. Бошқа бир кишининг табиатида эса тупроқ унсури голиброқ бўлади, уни оёқ билан тепкилаб, унга қаттиқлик билан муомала қилмоқ лозим, токи у бир нарсага ярасин.*

### ЛУҚМОНИ ҲАКИМ ЁМОНЛИКНИ ДАФ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

*Ёмонликни ёмонлик билан даф қиламан деган киши ёлғончидир. Агар унинг гапи тўғри бўлса, иккита гулхан ёқиб қарасин-чи, бири иккинчисини ўчирармикин? Ҳақиқатда эса яхшилик ёмонликни худди сув оловни ўчиргандек ўчиради.*

**Эшқобил ШУКУРОВ**
**тайёрлади.**

«Наврўздан-наврўзгача» ижодий беллашувига

# ДУГОНАНГ ДАРДКАШ БЎЛМАСА...

Нигора билан университетнинг I-курсида ўқиб юрган кезларимда танишгандим. Қош-кўзлари тим қора, сочлари энг сўнгги урфда турмакланган ва муҳими, курснинг олд қизларидан бири Нигора эди. Ҳамиша жилмайиб, нафосат билан гапириши, имтиҳон ва синовларда ҳеч қачон ҳаяжонга берилмай мушкул вазиятдан осон чиқиб кета олишига курсда ҳамма тан берарди. У бошқаларга ўхшаб жон куйдириб ўқимас, мудом дарсларга кечикиб келар, аммо синов дафтарчаси «аъло» баҳолар билан тўла эди. Дарсларга кўпам қатнашмаса-да, бироқ ҳамиша аравани қуруқ опқочиб, ноқулай вазиятни хамирдан қил суғургандек бартараф этарди-қўярди.



Агар Нигора бўлмаганда, мен ҳам... Қизиғи шундаки, у бутун курс ичидан нега айнан мени ўзига яқин олиб, дўстлашди, ҳали-ҳануз тушунмайман. Айнан у туфайли мен ҳам ўқишга, ҳам бўш вақтимни кафеларда хуш-хандон ўтказадиган дўстлар орттиришга, кўрган кўзни қамаштирадиган энг сўнгги урфдаги либосларни кийиш баробарида курснинг «лидер» қизларидан бирига айландим.

Энди менинг нафақат ташқи кўринишим, балки дунёқарашим ҳам бутунлай ўзгарганди.

Талабалик даври — олтин давр. Биз Нигора билан тез-тез концертларга тушар, дискотекаларга борар, кафема-кафе изғирдик. Шунга қарамасдан, ўқишга ҳам улгурардик.

Кўп ўтмай Нигора турмушга чиқди. Оилали аёлнинг қисмати ўзингизга маълум. У ёлғиз ўғилли оилага тушган бўлса-да, мудом қайнонасидан ёзғирар, ҳаётидан нолиб, жиғибийрон бўларди. Ишбилармон қайнота-қайнонаси ўззу-кун банд эди. Болали бўлгач, унинг ташвиши янаям ортди. У энди менга тинимсиз қўнғироқ қилар, қийин аҳволда қолганини айтиб, йиғлаб кўнглини бўшатиб оларди. Мен албатта талабаликдаги қадрдон дугонамнинг ғуссасига чинакамига шерик бўлар, уни юпатар, вақти келса, ҳаммаси яхши бўлиб кетишига ишонтирардим.

Бу орада мен ҳам турмушга чиқдим. Энди менинг оилавий ташвишларим бошланди. Оила — муқаддас даргоҳ. Севиб-севилиб турмуш қурганлигим учунми, бу ширин ташвишлар мени ўзига ром этди. Дунёда мендан бахтли одам йўқ эди, гўё.

Мен бу ҳақда Нигорага тўлиб-тошиб сўзладим. Эримни севишимни, ишгаям, рўзғор юмушларигаям улгуришимдан тўлқинланиб кетардим. Қайнонамнинг яхши аёл эканлигини айтиб мақтаниб ҳам қўйдим (қайнотам оламдан ўтган, менинг турмуш ўртоғим ҳам ёлғиз ўғил эди).

— Аҳмоқсан, дугонажон, аҳмоқсан! — Нигоранинг масхараомуз нигоҳи ва заҳарханда сўзларидан ўзимни йўқотиб қўйдим. Кимдир бошимга гурзи билан ургандек бўлди.

— Эринг сафарга бораяптими — демак, жазмани бор! — ишонч билан деди-у. — Қайнонангга сен бир хизматкорсан, тамом-вассалом! Агар шундай бўлмаса, аҳволингга бир қара — ким эдинг? Узун, бўялган тирноқлар қани? Алмисоқдан қолган юбкангга қара — мен уйда ҳам бунақасини киймайман-ку. Қайнонанг. . , у ялмоғиз сени уй қизига айлантирмоқчи! Қара, эҳтиёт бўл...

Қадрдон дугонамнинг айтганлари кўзимни мошдек очди. Энди мен эримнинг муҳаббат тўла боқишларига шубҳа қила бошладим. Қайнонамнинг мулойим гап-сўзлари ҳам эътиборимдан четда қолмади.

Мен эримга дугонам ва унинг ташвишли ҳаётини тез-тез гапириб берар, унга чин дилдан ачинардим. Аммо эрим Нигорани бошдан ёқтирмагани боис, бу мавзуни совуққонлик билан тўхтатиб, гапни бурарди.

Вақт — олий ҳакам. Қизчам бир ёшга тўлиб юра бошлагач, мен яна севимли ишимга қайтдим. Энди мен нафақат оилам, балки ишим, болам деб ҳам овуниб яшардим. Дугонам билан ўзоқ вақт кўришмай кетдик.

Бир куни ишдан кечроқ келдим. Дарҳол кечки овқатга уннадим. Қайнонам меҳмондорчиликка кетган, эрим қизимни боғчадан олиб ўйнатиб ўтирган экан. Қизчам боғчадаги воқеаларни сўзлаб бераркан, унинг бийрон гап-сўзларидан эр-хотин хандон отиб кулдик. Шу вақт телефон жиринглади.

— Нигора, — деди эрим дарҳол. — Бугун бир соатнинг ичида беш-олти марта сени сўраб қўнғироқ қилди.

Эримнинг авзойи бузилиб, телефон гўшагини ўзиб қўйди. Хайриятки, қизчам орадаги ноқулай вазиятни юмшатди. Ошни сузиб, энди ея бошлаганда, яна телефон қўнғироғининг кетма-кет жаранги кайфиятимизни бузди.

— Азизам, — деди эрим менга синчковлик билан боқиб. — Биламан сен яхши рафиқа, меҳрибон она, чаққон келинсан. Сенинг ўз оиланг, ташвишларинг етарли. Бас, шундай экан, бу нозик елкангга ўзгаларнинг муаммоси зарурми? Нигора, сен айтгандек яхши аёлдир, аммо у яхши дўст эмас! Нега сен унинг ташвиши билан яшашинг керак? У сенга дардини айтиб, йиғлаб, енгил тортади. Хўш, сен-чи? Сен ўзингнинг бир дунё ташвишинг устига уникини ҳам қўшасан, асабинг бузилади. Ахир, кимнинг уйида жанжал бўлмайди, бу табиий ҳол. Сенга дўст керакми — мана мен сенинг дўстингман! Қолаверса севимли қизчамиз сенинг ҳамроҳинг, дардкашинг. Ё, шундай эмасми?. .

Унинг самимият, аммо аччиқ ҳақиқатга йўғрилган гапларини эшитиб, ўйланиб қолдим. Рост, ҳар гал Нигора билан гаплашгандан сўнг бир неча кунгача асабларим таранглашиб, жиззаки бўлиб қоламан. У бўлса руҳи тетиклашиб, аввалги қувноқ ҳолига қайтади. Демак дугонам йиллар давомида менинг руҳий қувватимдан қувват олиб, хушчақчақ бўлиб юрган. Буни қаранг-а, ахир оилавий бўҳронлар кимда бўлмайди, дейсиз. Буни ҳаммага ошкор қилиш шарт эмас-ку. Қолаверса, яхши хотин уйдаги гапларни кўчага чиқармайди. Мен энди қатъий қарорга келгандим.

Ўрнимдан туриб, ҳамон тинимсиз жиринглаётган телефон гўшагини тамомила ўзиб қўйдим. Мени кузатиб турган эрим ҳам, қизчам ҳам шодон кулиб юборишди. Дераза ойнасини очиб, яна жойимга ўтирдим. Кўнглим тинч. Гўё қайта дунёга келгандек ажабтовур енгиллик нафақат мени, балки бутун оиламизни қамраб олганди, гўё.

**Фарида ТОҲИРОВА**

# ОДОБНИ КИМДАН ЎРГАНИШ КЕРАК?

ОЙНАДАН ЎПКАЛАМА

**➔ Эрталаб нимага барвақт туриш керак, деб ўзингга савол берасан. Жавобни ўзингча қуйидагича тахмин қиласан:**

а) Дарсга кеч қолсам, устоз тушунади-ку, йўқса, ўзим тушунтираман. Бирон баҳона топарман.

б) Биринчи соат нима дарс? Ҳа-а, математика, кейинги дарсларда етиб оларман. Бир соат нимани ҳал қиларди?

в) Озгина тобим йўқ, бошим оғрийди, ишим чиқиб қолиши мумкин ва ҳоказо. Қарабсанки, ширин уйқу келган жойидан давом этади. Фақат бундан ким ютади-ю, ким ютқазади? Яна саволлар ва жавоблар ичингдан қайнаб чиқиб келаверади.

➔ Автобус ёки метрода ёши каттага жой бериш шартми? Сен ҳам чарчайсан. Муҳими, кўнглинг шуни буюраяпти, шунга қараб иш тут.

➔ Дарсда жим ўтирсанг, зерикасан. Шунинг учун ёнингдаги ўртоғингга гапириб ёки тегмаганга тегиб ўтирсанг зерикмайсан. Сабоқ сенга нимага керак?

➔ Дарсдан чиқиб, тўғри компьютер клубига бор. Даданг берган пулни охиригача сарфлаш керак-ку? Пул топиш сенинг ишинг эмас. Даданг бир умр пул бериб турмаслигини билмаганингга хафа бўлма. Ҳар нарсанинг вақти-соати бор... Ҳали сен ҳам дада бўласан.

➔ Бошинг оғридими? Ҳар қадамда «холажонлар», «опажонлар» конфет, пистага қўшиб сигарет ҳам сотишади. Атиги 100 сўмга икки донасини беради. Ахир, миллионни бой бериш иккита сигарет сотиб олишдан бошланишини математика муаллими айтган эди. Қолаверса, ҳали навқиронсан, соғлиғинг кўтаради. Бугун кўтаради... Аммо...

➔ Уйга келдинг. Уй ишларига қарашиб ўтирма. Бир гап бўлар. Агар борсанг, ҳарбийда ўзлари ўргатиб қўйишади.

➔ Овқат единг. Қорнинг тўйгач, нима биландир вақтни ўтказиш керак. Даданг уйда, демак, кўчага йўл йўқ. Зерикасан. Китоб ўқишга ҳушинг йўқ. DVDни қўй. Бир-биридан «маъноли» кинолар кўп. Уларни томоша қил. «Кўп билсанг, тез қарийсан», деган мақолни танбал ошналарингдан эшитган эдинг. У жуда сенбопда ўзиям. Шу мақолни эсла, юзингга табассум югуради. Энди гўё қаримаслик учун ўқимайсан. Афсус, қаердан ҳам тушунасан? Ҳаёт ва инсон орасидаги восита билиш, фақат билиш эканлигини.

➔ Қирққа кирсанг ҳам тайинли ишнинг бошини тутмадинг. Оилангда тинчлик, хотиржамлик йўқ. Бунинг устига бошинг дарддан чиқмай қолди. Энди йўқотадиган нарсангнинг ўзи йўқ. Чекишни ташлашдан нима фойда? Энди кеч, болангга иш буюрсанг, гап қайтариб нари кетади, тинмай сендан пул сўрайди. Унинг сумбатида кимни кўраяпсан, ўзингни эмасми? Қизинг ярим-яланғоч, қулоғига телефон симини тиққанича ликиллайди. Даврани бермай рақс тушади. Унинг ҳаракатларидан маъно излайсан, топганинг эса DVDда кўрган клиплару, енгил-елпи киноларнинг енгилтак қаҳрамонлари холос.

➔ Негадир энди ўзингга савол беришдан қўрқасан. Аммо ўша саволлар ростдан ичэтингни кемиради. Бу дунёга нега келдим? Нима қолдирдим? Мен ўзимни нима қилиб қўйдим? Бу ёғи нима бўлади?

➔ Аммо бу саволларга яраша «Сўнгги пушаймон — ўзингга душман» деган жавобнинг бўлишини билардинг, билгандинг...

**Алишер ҲАЗРАТ ўғли**

МУНОСАБАТ

# ҲАЁ ҲАМ ЛИБОС

Яқинда бир дугонам қизиқ воқеани гапириб берди. Ошхонада овқатланиб ўтиришса, ёнларидаги столда ўтирган қиз икки-уч стол наридаги қиз билан даҳанаки жанжаллаша бошлабди. Улар бир-бировини шунақанги беҳаё гаплар билан беҳурмат қилишибдики, ҳатто шу атрофда ўтирган эркаклар ҳам уялганидан секин туриб кетишибди. Охири чидаб туролмадим, ёнларига бориб, «қизлар, уялмайсиларми, ҳаммага томоша бўляпсизлар-ку», дедим-у, балога қолдим. Ҳалиги икки қиз энди менга ташланиб кетишди. Орқамизда ўтирган кексароқ аёл: «қўйинг синглим, буларга насиҳат қилиб обрў топмайсиз, қуш уясида кўрганини қилади, булар айниб бўлган»,—деди. Уларга қайтиб гапирмадим. Лекин, барибир кўнглим нотинч. Чунки ўз тинчимизни ўйлаб, ҳаммамиз бундайларга қўл силтаб кетаверсак, улар охир-оқибат беҳаёликни ўзларига одат қилиб олишмайдими, ўзларини зўр, қилаётган ишларини тўғри деб ўйлашмайдими, — деган мулоҳазага бордим», — дея куйиниб гапирди у.

Халқимизда: «Бир фарзандга етти маҳалла ота-она», деган нақл бежиз айтилмаган. Аммо гоҳида қўшнилар болангизнинг ярим яланғоч кийинганини кўриб, ўринли танбеҳ бериб қолса, уни койиш ўрнига қўшни билан тортишиб, ҳатто ёқалашишгача бориб, тарбиясиз фарзандингизни ҳимоя қилсангиз, билингки, ютқизасиз. Ҳамма гап ўзимизга боғлиқ. Бола азиз, одоби ундан азиз. Шундай экан, унинг ташқи оламини безатишдан аввал ички дунёсини безамоқ бизнинг бурчимиз эканлигини унутмайлик. Гап «замонавий» кийинишда эмас.

Шу ўринда шарм, ҳаё билан боғлиқ болалигимда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа ёдимга тушди. Бобом уйимизга келсалар, онам рўмолининг бир чети билан юзларини бекитиб, гаплашардилар. 60 дан ошган, бир этак неваралари бор онамга, «нега ёш келинчакдек бобомдан юзингизни бекитасиз?» десам, «қайнотанинг юзига тик қаролмайди, болам, уят бўлади», дердилар.

Ҳа, аёл ёшми-қарими, бундан қатъий назар, ҳаёси билан гўзалдир. Буюк маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний: «Ҳаё дилни равшан қиладурғон бир нурдирки, инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир», деб бежизга таъкидламаганлар. Дарҳақиқат, ҳаё зиёси хонадонни нурафшон, кўнгилларни обод этади.

**Насиба АБДУЛЛАЕВА,**
**тадқиқотчи.**

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

# ХОТИРА СУСАЙИШИ... КАСАЛЛИКМИ ЁКИ?



Табиат бизга инъом этган хотирани кучайтириш учун ҳаракат қиламизми? Деярли йўқ. Кўпчилик кундалик юмушлар билан чекланиб қолади. Ваҳоланки, хотирани машқ қилдиришнинг кўплаб усуллари мавжуд.

Сўз тилингиз учида турган бўлса-ю, ҳеч ташқарига чиқмаётган бўлса, нима қилиш керак?

**1.** Танаффус қилинг. Агар бир ярим дақиқалардан сўнг керакли сўз қалқиб чиқмаса, хотирангизга дам беринг. Уни қанчалик азобласангиз эслаш имкони шунча кам бўлади.

**2.** Алфавит ҳарфларининг ҳар бирига алоҳида диққат қаратиб, керакли сўзни топишга уриниг.

**3.** Сизга керакли сўзга хос ҳар қандай қисмини хотирангизда тикланг. Балки, керакли сўз бирор нарсага қофиядошдир. Балки у бошқача талаффуз қилинар? Балки унда нечта бўғин борлигини эслаб қоларсиз? «К» ҳарфидан бошланадиган сўз бўлса, «к»ли сўзларни эсланг. Шу йўл билан йўқолган сўзни топиб оларсиз. Қофиясини топсангиз ишингиз янада осонлашади.

Бирор нарсани эслай олмасангиз, ташвишланманг. «Қарияпман», «Склероз бошланяпти» дейишга ҳожат йўқ. Бу нарса ҳаммада ҳам содир бўлиб туради.

Олимларнинг таъкидлашича, хотирасизлик инсонни бошқа касалликлардан кўра, кўпроқ хавотирга соларкан. Кўпчилик инсонлар ўз қобилиятидан эмас, балки хотиранинг сусайишидан шикоят қилишаркан. Хотиранинг сусайиши Алцмейгар (совуқ сарсом) касаллигига мойилликни орттираркан. Олимлардан ана шу касаллик ҳақида сўралганда, улар айнан маънан қашшоқ инсонлар бу касалликка кўпроқ учрашини таъкидлашади. Шунингдек, айрим кучли вируслар таъсирида ҳам хотиранинг сусайиши рўй беради. Хотира сусайганда, қулоқ шанғиллаб, бош айланганда қуйидаги гиёҳлар дамламасини ичиш беморга ёрдам беради:

5 ошқошиқ қарағай дарахти ниначалари, 2 ошқошиқ пиёз пўсти ва наъматак меваси аралаштирилади. Устига бир стакан сув қуйилиб, 2–3 соат ўраб қўйилгач, кунига уч маҳал 4/1 стакандан ичилади.

Жисмоний иш қилиш, серҳаракат бўлиш хотирани тиклайди. Жисмоний меҳнат туфайли миядаги ҳужайраларнинг қандай тўқилиши билан қизиқиб кўрайлик. Бунга сабаб нима? Одам ҳаракат қилганида мияда махсус модда пайдо бўлади. Мия фаолиятини ўрганган баъзи тадқиқотчилар, айнан ҳаракат мия тузилишини ўзгартириши мумкинлигига амин бўлмоқдалар. Хотирани кучайтириш учун озиқ-овқатларга эътибор қилиниши керак. Энг аввало, таркибида фосфор моддаси кўп бўлган маҳсулотларни балиқ, креветка, денгиз карами, маржумак (гречиха) ва ёнғоқ ейиш керак. Глюкоза — шакар ҳам мия учун муҳим озуқа ҳисобланади. Демак, ақлий қобилиятни ўстиришни истаганлар кўпроқ ширин олма, ўзум, банан ва мандарин еганлари маъқул. Хотирани кучайтириш ва миянинг янада яхши ишлаши учун таркибида йод моддаси бўлган маҳсулотларни истеъмол қилиш керак. Бир пиёла чой билан қаҳва ҳам фикрни тезлаштиради. Имкон борича, ҳар куни йўналишларни ўзгартириш лозим. Бу ҳолатда мия ишлашга мажбур бўлади ва чор-атроф манзарасини хотирасида олиб қолишга ўрганади. Умуман олганда, бир хиллик мияни ўтмаслаштирувчи ашаддий душмандир. Бирон янги иш бошлашдан ҳеч қачон чўчиманг. Ҳар қандай янги фаолият миянинг ишлаш қобилиятини оширувчи ажойиб усулдир. Ҳаракат ақлни пешлайди, дея бежизга таъкидлашмайди олимлар.

**Мерган БЎМАТОВ,**
**СамДУ доценти.**

ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГГА

### ЮЗ ТЕРИСИ ПАРВАРИШИ

➔ Совуқ сув терини тетиклаб, мустаҳкамлайди.

➔ Юз мунтазам иссиқ сувга ювилса, тери томирлари кенгайиб, бўшашади ва сўлғин, қуришиб қолади.



➔ Юзни уй ҳароратидаги сув ёки иссиқ ва совуқ сувда галма-гал ювиш керак.

➔ Ёғли терини ҳар куни атир совун билан илиқ сувда ювиб туриш, ўта ёғли бўлса, кунига икки маҳал ювиш керак.

➔ Пардоз қилишда фойдаланиладиган турли моддаларни ишлатишда тери хоссалари ва бажарадиган функцияларини ҳисобга олиш зарур.

### КАРТОШКАНИ ПИШИРИШДАН ОЛДИН...

➔ Янги картошкани арчганда қўл қорайиб қолади. Шунинг учун арчишдан олдин қўлга сирка суртиб, уни сочиқ билан артмасдан қуритиш керак.

➔ Картошка яхши арчилиши учун уни тузли совуқ сувда бироз ушлаб туринг.

➔ Буғда пиширилган картошка тўйимлироқ бўлади.

➔ Картошкани пиширганда идишга кўп сув солманг, сув картошкани 1 см қалинликда беркитиб турса кифоя.



➔ Салат учун пишириляётган картошкага бироз сирка қўшинг, картошканинг ранги чиройли бўлади.

➔ Картошкани темир ва мис идишларда пишириш тавсия этилмайди.

➔ Арчилмай пишириладиган картошкаларни пиширишдан олдин совуқ сувда яхшилаб ювиш керак.

### МОМОМ ЎГИТЛАРИ

➔ Пишираётган мураббонгиз жудаям суюқлашиб кетдими, унда 2 чой қошиқ майдаланган нон талқони қўшиб юборинг.

➔ Агар кийимингиз тасодифан михга илиниб йиртилса, қуйидагидек ямашингиз мумкин: кийимнинг тескари томондан йиртиқ атрофига тухумнинг оқини суртинг ва худди шундай мато бўлакчасини ёпиштириб дазмолланг. Яна асл ҳолига қайтади.

➔ Қорайиб қолган тилла буюмни пиёз сувида оқартириш



мумкин. Бунинг учун яримта пиёзни тилла тақинчоққа яхшилаб ишқаланг ва ярим соат қўйиб қўйинг, сўнгра иссиқ сувга чайқанг.

➔ Товуқ шўрва қайнатаётганингизда унга лавр япроғини қўшманг. Лавр япроғи шўрванинг ўз таъмини йўқотади. Яхшиси, бундай шўрвага фақат укроп қўшганингиз маъқул.

➔ Соат ойнасидаги доғ тиш пастаси билан осон кетади.

**Б. СУЛТОНОВА**
**тайёрлади.**

# БОДРИНГ БЕБАҲО НЕЪМАТ

ТАБИАТ — ДОРИХОНА



Барчага маълумки, бодринг нафақат хуштаъм, балки шифобахшдир. Бодрингнинг 95–98 фоизи табиат томонидан дистилланган мусаффо сувдан иборатлигини кўпчилик билмаса керак. Инсон умрини узайтириш бўйича мутахассис олим Пол Брегг ўзининг илмий ишларида айнан дистилланган сувнинг мислсиз аҳамияти ҳақида ёзади. Қолаверса, бодрингнинг шираси танадан сийдик кислотасини ҳайдаб чиқариб, айни вақтда бўғин ва бод касалликларини даволайди. Бодринг, сабзи, лавлаги (қизилча) шираларининг аралашмаси ўт-сафро пуфаги, жигар, буйрак ва бошқа аъзоларни тозалайди ва шифо бағишлайди.

Бодринг таркибидаги пектинлар ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди. Танада холестеринни ҳайдаб чиқаради. Унда калий, кремний каби моддаларнинг борлиги тери, соч, тишларни соғлом ҳолатда сақлайди. Бодрингда йод моддаси бўлгани учун кўп истеъмол қилинса, қалқонсимон без касалликларининг олдини олади.

Бодринг гуллари қайнатмаси безгакни даволашда ҳам қўлланилади.

Гарчи бодрингда дармондорилар кўп бўлмаса-да, таом ҳазм қилишда, айниқса, оқсилли таомларнинг ҳазмини яхшилашда ёрдам беради. Гўштли таомлар бодрингли салатлар билан дастурхонга тортилгани маъқул.

Унинг таркибида яна карбон сувлар, оқсил, темир, фосфор, каротин, В1, С сингари дармондори ва бошқа моддалар ҳам бор. Иштаҳани очади, ёғлар ва оқсилларнинг сўрилишида ёрдам беради. У сурги дори сифатида ҳам ишлатилади. Айниқса, сурункали қабзиятда кони фойда.

Халқ табобатида бодрингнинг янги шираси асабни тинчлантирувчи, ошқозон-ичак хуружида оғриқ қолдирувчи восита ҳисобланади. Унинг шираси тоза асалга аралаштирилиб, 3 ош қошиқдан 3 маҳал истеъмол қилинса, юқори нафас йўллари шамоллаши ва йўталда даво бўлади. Терининг куйган жойига майдаланган бодринг қўйилса, малҳам бўлади. Шираси ва сувдаги дамламаси (кўкиш қобиғи билан) юздаги баъзи пигментсимон доғларни кеткизади.

Ёғли юз терисига бодрингнинг спирт билан омухта қилинган янги шираси тавсия этилади. Бунинг учун 200 мл. бодринг шираси 200 мл. 40 фоизли спиртга ёкиароққа қўшилади. Ва 15 кун мобайнида сақланади. Сўнгра дока орқали сузилади. Бу аралашма узоқ сақланганда ҳамда ўз хусусиятларини йўқотмайди.

Баъзиларнинг териси қуруқшаб қолади. Бунда юқоридаги аралашмани тенг миқдорда қайноқ сув билан суюлтириб, унга 1 чой қошиқ глицерин омухта қилиниб, терига суртилади.

Ёғли юз терисига бодринг ва олмани қирғичдан ўтказиб, ниқоб сифатида фойдаланиш ҳам тавсия этилади.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**

# СИЗГА ТАЪЗИМ ШИФОКОРЛАР

МИННАТДОРЧИЛИК

Инсон учун энг олий неъмат бўлган соғлиғимнинг кундан-кун ёмонлашиб бораётгани мени ташвишга соларди. Бу дард мени болалигимдан қийнарди. Ҳар сафар шифокорларга мурожаат қилсам, «операция қилинмаса, оқибати ёмон бўлади», дейишарди. Мен эса очиғи, тиғ тегишидан қўрқардим.



...Бир куни «агар ўзимни уйламасам, болаларимга қийин бўлади-ку, тузалиб кетармиканман?», деган умид билан Тошкент шаҳридаги 1-сонли шаҳар касалхонаси шифокори Даврон Пардаев ҳузурига кирдим. У киши менинг касаллик тарихим билан танишиб чиққач, операция қилиш кераклигини, қўрқиш учун ҳеч қандай асос йўқлигини, тиббиёт тили билан эринмасдан қайта-қайта тушунтириб, фақат руҳан тайёргарлик кўришим кераклигини айтди. Бу қулоқ операцияси бўлиб, енгил кечмаслигини ўзим ҳам билардим. Яратганга шукрки, ўз соҳасини яхши эгаллаган тиббиёт фанлари номзоди Даврон ака бор имкониятларини ишга солиб, эшитиш қобилиятимни сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мана, энди бошим осмонда, жуда бахтиёрман. Даврон ака ва у кишининг шогирди Сирож Арслонов мени келажакка бўлган ишончимни, яшашга бўлган умидимни қайтариб берди.

Суюнганимдан қўли енгил, халоскорларимга атаб шеърлар ҳам ёзиб қўйдим. Бахтимизга омон бўлинг азизлар, бошим ерга теккунича сизларга таъзим қиламан!

**Бахтигул ҚАЛЛИБАЕВА,**
**Нукус шаҳри.**

ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ

# СУЙГАН КИМ-У, КУЙГАН КИМ?

Биз катта шаҳарнинг бир чеккасидаги кўп қаватли уйнинг энг тепа қаватида яшаймиз. Уч йил олдин ёнимиздаги бир хонали хонадонга янги қўшни кўчиб келди. Биздан анча ёшу, аммо ёлғиз аёл экан, икки яшар қизалоғи бор. У жуда гўзал, қадди-қомати хушбичим, қимматбаҳо кийимлари, тилла тақинчоқлари ўзига ярашиб турарди. Ёнимиздан ўтиб кетсаям, ноёб атирларининг ҳиди узоқ вақт анқиб туради. Аввалига бирор ўзига тўқроқ хонадоннинг қизи бўлса керак, деб ўйладим. Кўчиб киришдан олдин уйни энг замонавий услубда таъмирлатди.

Бу аёл бироз кибрми ёки ёлғизлигига борибми, қўшни аёллар билан ҳа деганда чиқишиб кетавермади. Бир куни зарур иши чиқиб қолиб, қаергадир бориб келиши кераклигини айтиб, қизчасига қараб туришимни илтимос қилди... Ана шундан кейингина қўшничилик муносабатлари ҳар доим керак эканлигини англади чоғи, биз билан ҳовлига чиқиб, аёлларнинг шўх-хандон суҳбатларига қўшилиб кетди.

Кейин билсак, у бир бойроқ эркакка иккинчи хотин бўлиб теккан экан. Эри унинг ёнига хорижий русумдаги машинада ҳар уч-тўрт кунда бир келиб, ҳолидан хабар олиб кетарди. У одатда кечқурунлари пайдо бўларди. Кечки овқатга уннаш учун уйга кириб кетганимиз учун биз бу гўзал аёлнинг "сиртқи эр"ини кўрмай қолаверардик. Тасодифан дуч келиб қолган аёллар унинг истарали, ақлли ва хушсурат, аммо ёши бу аёлдан анча катта эканлигини айтишарди. Бу эса бизнинг уни кўриш қизиқишимизни янада оширди.

Бир куни ўша жувон меникига вино пўкагини суғурадиган бурама очқич сўраб чиқди.

— Ҳа, хоним, шаҳзодангиз ташриф буюрдиларми, — дея анча сирдош бўлиб қолганимиз учун ўзимча унга ҳазил қилдим.

У эса эрим гапларимизни эшитиб турганини сезди, шекилли, жавоб ўрнига кўз қисиб қўя қолди. Мен у-бу нарсани баҳона қилиб, бир-икки марта йўлакка чиқдим, аммо эрини кўролмадим.

Шундан кейин у мен билан янада яқинроқ гаплашадиган бўлиб қолди. "Эр"ининг шаҳардаги катта бир корхонада раҳбар эканлигини, хотини, тўрт фарзанди борлигини, уларни яхши кўришини, аммо уни хотинидан кўра кўпроқ севишини, қизалоғи ҳам ундан эканлигини, нима деса ҳамма нарсани муҳайё қилишини завқланиб гапириб берарди.

— Опа, кичик қизингизни олиб бизникига чиқинг. Бугун қизимнинг туғилган куни, — деб қолди у бир куни.

Қизчам билан совға олиб кирдик. Қизалоқни табрикладик. Уйида биздан бошқа меҳмон йўқ экан. Дастурхон ажойиб безатилган. Икки қизча у-бу ширинликлардан татиб кўришгач, ўйинга берилиб кетишди. Аёл ҳозир эри келишини айтди. Мен ноқулай аҳволга тушиб қолдим.

— Биз кета қолайлик, -дедим ҳижолат бўлиб.

— Йўқ, нималар деяпсиз? Мен сизни эрим билан таништирмоқчиман.

— Қўйсангиз-чи, бунинг нима ҳожати бор?

— Опа, сиз ҳижолат бўлманг. У киши мендан қўни-қўшнилар орасида ишончлироқ, қийин кунда суянса бўладиган одамлар бормикан, деб сўраганларида сиз ҳақингизда айтганман. Илтимос, бемалол ўтираверинг. Кетсангиз хафа бўламан.

Ноилож қолдим. Анча-мунча ҳасратлашдик. Бир маҳал эшик қўнғироғи чалинди. Аёл югуриб бориб эшикни очди.

— Кечикдингиз, бунинг учун алоҳида жазо оласиз, — аёлнинг салом ўрнида ўпичлар аралаш айтган гапи шу бўлди.

— Ассалому алайкум, — эркак ширин калом билан хонага кириб келди. Мен ўрнимдан туриб, юзига тик қарамай у билан сўрашган бўлдим.

Кейин дастурхон атрофида тизилдик. Вино қуйилди. Мен ичмадим. У мени "эр"ига таништирди. Синчков назар билан қараб, менга раҳмат айтди, бундан кейин ҳам бу хонимнинг ҳолидан хабардор бўлиб туришимни илтимос қилди. Табиийки, мен унга "ўзингиз-чи, ўзингиз доим бирга яшасангиз бўлмайдими?", деган саволни бера олмасдим. Уларни "тушунишим" керак эди-да.

Ниҳоят, бир амаллаб ҳалиги эркакка қарадим. Унинг қиёфасини яққол кўрдим. Юрагим уриши ғалати тезлашиб кетгандек бўлди. Мен уни кимгадир ўхшата бошладим. Нега у менга бунчалик таниш туюляпти? Бу ерда кўп қололмаслигимни, бизнинг ҳам уйимизга меҳмонлар келишини айтиб, секин ўрнимдан турдим. Аёлнинг "эр"и менга яна бир бор раҳмат айтди.

Уйимга кирдиму, негадир бошим оғрий бошлади. Мен уни қаерда кўрганман? Эслагандек бўлдим. Дарҳол оилавий фотоальбомимизни варақладим. Мана, топдим. Дугонамнинг никоҳ тўйида тушган суратимиз. Наҳотки!.. Бўлиши мумкин эмас... Ахир у... у менинг қадрдон дугонамнинг қонуний эри-ку!

Суратга тикилиб, бир зум ўша дугонамни эсладим. Биз у билан болаликдан мактабда бирга ўқиб, улғайганмиз. У шунақа содда ва самимий, камтарин, беозор, ибо-ҳаёси ўзига ярашган, беғубор, ҳар жиҳатдан гўзал қиз эдики... уни алдашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди гўё. Тўйларидан кейин дугонам билан жуда кам кўришадиган бўлдик. Кейин мен ҳам турмушга чиқиб кетдим. Энди умуман кўришмай қўйган эдик. Орадан анча йиллар ўтиб, бир куни тасодифан у билан учрашиб қолдик. Узоқ суҳбатлашдик. У ўз ҳаётидан шу қадар мамнун гапирардики, ҳар қандай аёлнинг унга ҳаваси келарди.



— Мана, дугонажон, турмуш қурганимизга ҳам йигирма йилдан ошди. Тўрт фарзандни бекаму-кўст улғайтириб келяпмиз. Шаҳарда каттакон ҳовлида яшаймиз. Турмушда ҳамма нарсамиз етарли. Бу жиҳатдан нолишга ҳаққим йўқ. Хуллас, мен жудаям бахтлиман, — дея у суюниб гапирди. Унинг камтарлиги, соддалиги қолмабди, тузукроқ мақтанишни ҳам билмайди. Мен унинг бу бахтли лаҳзалари бир умр уларга ҳамроҳ бўлишини тилаб, хайрлашдим. У билан телефон рақамларимизни алмашиб, тез-тез гаплашиб туришга келишдик.

Ўша куни суратга тикиляпману, ҳеч ишонгим келмаяпти. Йўқ, мен ҳозир кўрган одам дугонамнинг эри эмас, бошқа одам бўлиши керак. Хуллас, ёмон хаёлларга бормаганим маъқул. Альбомни ёпиб, жойига қўйдим.

Ҳар кунгидек, қўшним билан ҳазил-ҳузул муомаламиз давом этаверди. У янги-янги сирларидан мени хабардор қиларди. Менга қаттиқ суяниб қолганди.

Бир куни кутилмаганда уйимга йиғлаб чиқди. Нима гаплигини сўрадим. Бир неча кундан бери "эр"и келмаётганини айтди. Маълум бўлишича, унинг ишхонасида муаммо чиқиб, кутилмаганда юрак хуружи тутиб, касалхонага тушганмиш.

— Балки бориб, кўриб келарсиз, – маслаҳат бердим унга.

— Э, нималар деяпсиз, ахир, хотини кечаю-кундуз бошида ўтирган бўлса, мен қандай қилиб бораман?

Нима дейишимни билмай қолдим.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Аёл эса негадир парвойи палак бўлиб, энди у ҳақида гапирмай қўйди. Бир куни ундан "эр"ининг аҳволини сўрадим.

— Э, қийналиб кетдим, – ҳасрат қила кетди у. – Биласизми, опажон, мен бу ярамасга ишониб юрсам, у мени алдаб юрган экан.

— Йўғ-э, унақага ўхшамасди-ку, — дедим хаёлимдан "тағин бошқа бировини топибдими" деган тахминни ўтказиб.

— Аҳволимни қаранг, уч йилдан бери мана бу каталакдек хонада қийналиб яшайман. Лифт ўлгур ишламай қолса, тинкам қуриб кетади. У эса сал кўпроқ пул топсам, сенга пастки қаватдан икки хонали квартира олиб бераман, ҳозир пулим бунга етмайди, деб роса лақиллатиб юрган экан. Билсам, бир эмас учта икки хонали квартирага ҳам етадиган пули бор экан. Буни кеча аниқладим, операцияга нақ учта квартиранинг пулини тўлабди-я, яшшамагур!

Мен энди уни ишонасизми, умуман танимай қолдим. Суюкли "эри" у ёқда ўлим билан олишиб ётса-ю, бу хоним не ҳасратда.

Шу куни кеч маҳали телефоним жиринглаб қолди. Гўшакни олсам, ўша қадрдон дугонам экан. Овози ҳазин. Тинчликми, деб сўрадим.

— Нимасини айтасан, дугонажон, бошимизга ташвиш тушиб қолди. Бир ойдан бери эрим оғир касал, кутилмаганда юраги хуруж қилиб қолди. Операция қилдирдик. Энди-энди ўзига келаяпти. Бор пулимизни, ҳатто машинамизни сотиб, уни даволатдик. Кичик ўғлим, "ойи, адамнинг яхши кўрган машинасини ҳам сотамизми?" дейди. "Сенга машина керакми ёки аданг?" деб уришиб бердим. Керак бўлса, унинг соғайиб кетиши учун жонимни беришга ҳам тайёр эдим. Худодан шифо тилаб, бошида бедор ўтирдим. Илтижоларимни эшитиб, мана, Аллоҳимнинг борига шукр, адамизни бизга қайтиб берди. Энди бироз эркин нафас олиб сенга қўнғироқ қилиб турувдим, ўртоқжон...

Мен унинг гапларини эшитар эканман, қўшни аёлнинг "эр"и тақдиридаги бу қадар ўхшашликдан хавотирга тушиб борардим. Дугонам кўз очиб кўрган эрининг бошидан ўтган бу оғир дард ҳақида ён қўшнимнинг сўзлари билан деярли бир хил тафсилотни гапирарди. Фақат ҳар икки аёлда бу эркакка бўлган муҳаббат ва меҳр орасидаги фарқ осмон билан ерча эканлиги аллақачон менга аён эди.

Дугонам, эрига шу қадар ишонар, унга жонини беришга тайёр эдики... Афсус.

Ҳа, ҳаётда биз истасак-истамасак-да, ана шу "аммо" деган зидловчи тушунчаларга дуч келаверамиз... Мен ҳалиги эркакнинг кимлигини аниқ эслагач, ёш жувонни ҳам, дугонамнинг эрини ҳам шу қадар ёмон кўриб кетдимки...

Начора, қўлимдан нима ҳам келарди? Ҳар ким ўз ҳаёт тарзини ўзи хоҳлаб ўзгартиради. Бироқ, бу эркак ўз жону жаҳонини бағишламоққа тайёр турган аёлининг аросатда қолган садоқатигина ҳаётга қайтарганлигини билишини чин дилдан истадим. Бу эркакка шифо берган Аллоҳ унга инсоф ва иймон, орият ва адолат, аросатда садоқат ҳам берсин!

**Наргиза САРИМОВА,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**

КЎНГИЛ КЎЗГУСИ

# ТУШЛАРИДА ОНАСИН ИЗЛАР...

Унинг исми чиройли: Наргиза. Ўзи эса исмидан ҳам чиройли. Кўзлари мунчоқдай, сочлари попукдай. Кийимлари ҳам янги-янги, топ-тоза, бежирим.

Унинг учун бу ерда барча шароит яратилган. Кунига тўрт маҳал овқатланади. Эрталаб туриши билан нонуштаси тайёр. Сумкасини олади-да, мактабга боради. Сумкаси ҳам чиройли, ҳамма китоб-дафтарлари бор. Тушликда ўзлари учун қурилган ошхонадан овқатланади. Ҳар куни гўштли овқат ейди. Сут, сариёғ, тухум, колбаса ва ҳоказо егуликлар муҳайё.

Мактабдан қайтгач, дам олади, ўртоқлари билан ўйнайди, тадбирларда қатнашади. Дугоналари ҳам кўп: Ҳалима, Салима, Сайёра, Карима... Баъзан саёҳатларга боришади, Самарқандга, Шаҳрисабзга... Кечқурунлари мазза қилиб телевизор кўради.

Аммо... Гоҳида она бағридаги гўдакни, отаси етаклаб келаётган қизалоқни кўриб... алланечук бўлиб кетади. Бутун вужудини исмсиз туйғулар қамраб олгандай бўлади. Меҳрибонлик уйидагидан бошқача ҳаётни қўмсайди.

Тунда оппоқ чойшаб ёпилган каравотига ётиб, уйқуга кетади. Тушларида онасини излаб юрган бўлади...

**Лола ЎРОҚОВА**

# ИККИ ДУНЁ ОРАЛИҒИДА

Шодмон ОТАБЕК

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Дўхтир ўрнидан туриб, халатини еча бошлади. Салима хайрлашиб, чиқиб кетди. Ташқарида эшикнинг очилишига интиқ кўз тикиб турган аёллар сафи қимирлаб қолди. Аммо Салимадан қабул тугаганини эшитишгач, боёқишларнинг ҳафсаласи пир бўлди; ўзларича минғирлаб — пичирлаб қолишди. Эшикни дадил очиб, норозилик билдиришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмади. Барибир эртага яна бош эгиб келади; ёмон кўриниб нима қилади? Иш вақти тугашига яна бир соат қолса нима бўпти? Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Биркам дунёнинг иши ҳеч қачон битмаган ва битмайди ҳам...

* * *

Салима кечқурун дўхтирнинг гапларини эрига оқизмай-томизмай айтиб бергач, Салимнинг ҳам боши қотиб қолди: қай бирига ишониш керак ўзи? Касаллик ундами ёки хотинидами? Буни аниқ билмай туриб бир нима қилиб бўларканми? Балки бу дўхтирнинг гапи тўғридир. Демак, хотини ҳам... Бир ҳисобдан «айб»ни тенг бўлишиб олгани ҳам тузук. Акс ҳолда гарданига ортилган «юк»дан қадди букилиб, ҳоли танг бўлиб қолувди. Ҳар нима бўлганда ҳам эркак — эркак! Қизиқ, мабодо хотини яна бошқа шифокорга борса, у нима деркин?

— Олдинги дўхтирнинг гапини айтмадингми? — Салим худди катталарнинг топшириғини яхши уддалай олмаган болани терғаб-койигандек, хотинини сўроқлай бошлади.

— Айтолмадим. Дўхтирларга ишонмасангиз нима қиласиз олдимга келиб, деб уришиб бермасин дедим-да.

— Ишқилиб, касалингиз хавфли эмас, дедими?

— Ҳмм, шундай деди.

— Унда нега учранг дейди?

— Шунисига ҳайронман-да, — деди Салима куюниб. Нега биратўла маслаҳатини бериб қўя қолмайди? Тўғри, ўзи бир ёққа шошиб турувди, аммо гаплари барибир ғалати-да...

— Балки бир нарсанинг илинжида арқонни узунроқ ташлагандир.

— Йўғ-э, ўлибдими?

— Бунчалик содда бўлмагин-да энди, — деди Салим иддао билан. — Худди осмондан бугун тушиб, ҳеч нарса билмайдиган одамга ўхшайсан-а!

— Жа-а, ундақа назари пастга ўхшамовди-ку!

— Ўхшамаган билан унинг ҳам нафси бор. Ҳозир биргина маошнинг ўзига яшайдиган одамни топиш қийин. Айниқса, хотин зоти мол-дунёга, латта-путтага ўч бўлади.

— Э, кошкийди шу билан мушкулимиз осон бўлса! Мол-дунё нима бўпти — қўлнинг кири-ку, керак бўлса жониминиям қўшиб берарман.

— Сен яхшиси яна бир учраб, кўнглига қўл сол. Балки ўзи оғзидан гуллаб қолар. Ишқилиб, ёрдамини аямаса бўлди. Рози қилиш биздан.

Салима дўхтирнинг чеварлигини айтиб, жилмайгани, «Ҳунар — ҳунардан унар» деганини эслади. Бу гапларда шубҳа уйғотадиган бирон-бир илмоқли ишора йўқ-ку! Ёки пайқамай қолдимикин? Энди гапирганда юзига, йўқ, кўзига қараб туради. Кўз алдамайди. Энди унинг ҳар бир сўзини тарозига солиб кўради. Ишқилиб, дардига малҳам топса бўлди!

Кейинги гал дўхтир Салимани худди эски танишидай илиқ кутиб олди. Ғамхўрлик билан соғлиғини, уйдагиларнинг тинч-омонлигини суриштирди. Гап орасида «дориларни ҳам ичяпсизми», деб қўйди. Сўнг кўзига бир лаҳза тикилиб турди-да, хайрихоҳлик билан деди:

— Рангингиз анча синиқ, асабингиз қаттиқ чарчаган. Текширув натижалари ҳам буни тасдиқлади. Тушунаман, сиз кўп ўйлагансиз, эзилгансиз. Ҳамма касаллик асабдан. Ҳозир болалар ҳам онасининг қорнидан асабий бўлиб туғиляпти. Одам ўзиниям сал ўйлаши керак. Бу дунёга бир марта келамиз. Сизга ҳам дўхтир, ҳам яқин бир опангиз сифатида маслаҳат — санаторийга боришингиз керак. У ерда хотин-қизлар касаллигини даволовчи махсус бўлимда ётасиз. Биратўла ҳаво алмаштириб, ҳам даволанасиз, ҳам дам оласиз. Биз ҳали яшашни билмаймиз, фақат меҳнат учунгина туғилганга ўхшаймиз. Сиз шундай қилинг, албатта боринг, санаторийга. Кейин хурсанд бўласиз. У ёққа йўлланма олиш қийин, талабгорлар кўп. Аммо сизга ёрдам беришим мумкин.

Салима бундай таклифни кутмаган, эри ҳам, ўзи ҳам бу ҳақда ўйламаган, шунинг учун нима деярини билмай, туриб қолди.



— Хўш, нима дейсиз? — дўхтир қаламини столга уриб, жавоб кутарди. — Ёки боргингиз келмаяптими? Бунақа санаторийга бориш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бекорга иккиланяпсиз.

— Олдин уйдагилар билан маслаҳатлашишим керак, — деди Салима шундай муҳим таклифни бажонидил қабул қилолмаганидан хижолат бўлиб.

— Менимча, эрингиз йўқ демаса керак. Тушунар ахир, ўйнагани кетаётганингиз йўқ-ку!

— Тушунишга тушунади, ҳар ҳолда олдидан бир ўтишим керак, — Салима шу тобда беихтиёр онасининг: «Эр — авра, хотин — астар» деган гапини эслади. — Эртага келиб, жавобини айтаман.

Салима раҳмат айтиб, чиқиб кетаётган эди, дўхтир тўсатдан бир нарса эсига тушиб қолгандек, биринчи марта исмини айтиб, тўхтатди:

— Салимахон, сиз чеварxонада ишлайсиз-а, қизларга тозароқ қўйлакликни қаерда тиктирган маъқул?

Лоп этиб хаёлига эрининг гаплари келди. У «ана, айтмабмидим» дея кулиб тургандек туюлди. Опанинг сўровини яна бир карра тарозига солиб кўрди. Хўш, нима бўпти? Ахир, у шунчаки маслаҳат сўраяпти, холос. Шундай бўлса-да, кўнглидаги бошқа бир овоз «бу гапга фақат битта жавоб бор, шуни айтмоғинг лозим, бошқа иложинг йўқ!» демоқда эди.

— Бизда тиктирсангиз ҳам бўлади, мен... ўзим қарашворарман.

— Раҳмат, Салимахон! — врачнинг рангига қизиллик югурди, жилмайганда силлиқ, оппоқ пешоналарига билинар-билинмас ажин тўр ташлади. — Қизимни узатяпман. Биз олиб берган матолар унга ёқмаяпти, унисини ундоқ, бунисини бундоқ, дейди. Вой, бу замоннинг қизлари-ей, одамни адои тамом қилади. Тўйга бир ойгина қолди, нима қилишга ҳайронман.

Салима бу гал гапнинг оҳангини аниқ сезди, унга муносиб жавоб қилмаслик мумкин эмас эди.

— Қизингизни ишхонамга юборинг, бир иложини қилармиз.

— Вой, барака топинг, Салимахон. Ишқилиб, тезроқ ниятингизга етинг. Бешик тўйингизда ўзим қамишдан бел боғлаб хизмат қилай.

— Раҳмат, айтганингиз келсин.

Салима бундай тилакни кўп одамдан эшитган. Ҳар эшитганда кўнглида кул босиб қолаётган умид учқунлари қайта ёнади. Айни чоғда иложсиз — чорасизлиги ёдига тушиб, яна ўкинади, аммо бу тилакни дўхтир — халоскорнинг оғзидан эшитганда юраги тўлиқиб, ширин энтикди. Остонага етганда халоскорига яна бир бор шукрона илинж билан қаради.

* * *

Келинлик уй тўридаги устига оқ ҳарир парда осилган меҳробда қат-қат тахланиб ётган атлас, бахмал кўрпалар нақ шифтга етади. Айрим кўрпалар қавилгандан буён ҳали тахи бузилмаган, тахмонга энг азиз меҳмонлар келгандагина қўл теккизилади. Кенг-мўл хонанинг кўрку таровати ўтган тўққиз йил мобайнида деярли ўзгармагандек, кирган-кўрган одамнинг ҳаваси келади. Рўпарада ёш куёв-қайлиқнинг бошларини тегизиб, ёнма-ён тушган сурати осиғлиқ турибди. Сурат остидаги оқ сочиққа эса Салима ўз қўли билан шундай сўзларни қизил каштада тикиб қўйган:

*Сендан ўзгани десам*
*Қон ютай лахта-лахта.*
*Ёлғиз ўтай, зор ўтай*
*Бир умр айриликда.*

Бу сўзларни у ҳали Салимни учратмасдан анча олдин, хаёлида ўзича ардоқлаб-эъзозлаб, севиб-севилиб юрган одамига ғойибона бағишлаган. Шундай одамни топганига тўйдан кейингина ишонган.

Салима меҳробнинг тагига курси қўйиб, кўрпаларини пастга тушира бошлади. Ҳамма нарса саранжом-саришта қолганда бежирим-кўркам экан. Гилам ва якандозлар усти уюм-уюм бўлиб, уйнинг файзи қочди.

Салима бир лаҳза нафасини ростлагач, эски усталар ишлаган катта сандиқнинг нақшли қопқоғига калит солиб, очаётганда бир нима жаранглаб кетди-ю, анчагача ёқимли акс-садо бериб турди. Хонада куядорининг ҳиди анқиб кетди. Салима сандиқ ичидан бор бисотини бирма-бир олиб, гиламга ёя бошлади. Тайёр кийимларини бир томонга қўйди. Эрининг ўша биринчи учрашганда тиктирган шими ҳамон тахи бузилмай турарди.

— «Яхши кунларга атаб асраб қўйдим деган эдингиз, киймайсизми энди?».

— «Қўявер, кийсам, барибир йиртилиб тугайди, сақлаб қўйилса, сени қандай топганимни эслатиб туради!».

Ҳар гал эрининг жавобидан кўнгли тўлиб, ўзича суюниб қўярди.

*(Давоми бор)*




## ЭНГ МИТТИ АВТОМОБИЛ

47 ёшли англиялик конструктор Перри Откинснинг ўзи учун ясаган антиқа автомобили Американинг Жаҳон рекордлари академияси томонидан дунёдаги энг митти автомобил дея қайд этилди.

Баландлиги 99 см, эни 66 см бўлган бу митти машинани ясашга етти ой кетди. Унинг кузов қисми шиша-пластик материалдан тайёрланган. Машина йўлни ёритувчи ва бошқа мақсадли фаралар, ойна тозалагич, шамол қайтарувчи, орқани кўрсатувчи ойналар каби барча муҳим жиҳозлар билан таъминланган. 150 кублик двигатель митти автомобилни соатига 64 километргача тезликда ҳаракатлантира олади ва 112 километр масофага бор-йўғи 4 литр ёқилғи сарфлайди. Фақат биргина ноқулайлик шуки, бу автомобилга ўтириш учун соҳибининг деярли икки букилишига тўғри келади.



Қизиғи, бу митти машина расман рўйхатга олиниб, бошқа автомобиллар қатори умумий фойдаланишга мўлжалланган автомобил йўлларида бемалол ҳаракатланиши мумкин.

## ЎСАДИГАН РЕЗИНА

Франция олимлари ажойиб бир янгиликни кашф қилишди. Улар ихтиро қилган матоҳ резинага ўхшаш материал бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти шундаки, мабодо бир четидан қирқиб ташласангиз бир неча дақиқада унинг давоми ўсиб чиқа бошлайди. Бунинг устига эгилувчанлик ҳолати ҳам аввалгидек сақланиб қолади. Қирқилган бу резинани енгилгина эзиб қўйсангиз, эгилувчанлик хусусиятини йўқотмаган ҳолда ўса бошлайди. Ҳатто, беш марта чўзилса ҳам у бироз туриб яна аввалги ҳолига қайтаверади.

Кашфиётчиларнинг таъкидлашларича, бу резинасимон материалларнинг иккита қирқилган учи бирлаштирилса, ўн беш дақиқа ичида улар бир-бирига ёпишиб қолади ва уланган резина икки баробар чўзилганда ҳам узилиб кетмайди.

Янги кашфиётнинг ишлаб чиқариш ва саноатдаги, умуман, инсон турмуш тарзидаги ўрни қандай бўлади? Бу борада ушбу резина кўп марта қайта ишлатилиши, уни тайёрлаш учун арзонгина хом-ашё топилиши билан аҳамиятли. Олимлар бундай материалнинг айни дамдаги фойдали хусусиятлари ҳақида жўяли фикр айтишмаса-да, аммо келажакда шикастланганда тезда ўз ҳолига қайтадиган автомобил шиналари ясаш мумкинлигини таъкидламоқдалар. Ахир бу ҳайдовчилар учун айни муддао-ку!

**Наргиза САРИМОВА тайёрлади.**

# ЖАЗАВА

## ёхуд ақлига эмас, тилига ва... муштига суянган аёллар хусусида

*Биринчи воқеа*

## ТУХУМДАН ҲАМ АРЗОН ҚАДР

Ўтган ҳафта ҳамкасбим билан кечки пайт бозорга тухум олиш учун кирдик. Катта-кичик, қизғиш, оқ тухумлар бир хил териб қўйилган. Нархини сўраймиз.

— Ўзига қараб-да, 200 сўмдан 240 сўмгача, — дейди бийронгина сотувчи аёл.

— Иккаламиз ҳам оламиз, нархини сал туширарсиз?

— Йўғ-е, 10 сўм ҳам тушолмайман...



Шу пайт сал нарироқда аёлларнинг шанғиллаган овози эшитилди. Бу — бозорда тез-тез бўлиб турадиган ҳолат бўлгани боис эътибор бермаслигимиз ҳам мумкин эди-ю, лекин...

Пештахталарда бир-бирига қарама-қарши турганча айтишаётган аёлларнинг ҳақоратли гапларини эшитиб... очиғи, бу сўзларни ҳеч қайси луғатдан ҳам излаб тополмайсиз. Уят, андиша, истиҳола ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Йўқ, бу айтишув уларнинг кўнглини тўлдирмади чоғи, энди хезланган хўроздек ўртага туриб олишди. Енгилгина бошланган тортишувлар ҳақиқий қўл жангига айланди. Жангнинг энг мураккаб ва ўткир сюжетли усулларидан фойдаланишди: соч юлиш, юз тирнаш, қоринга қараб тепиш, бўғиш — хуллас, қоидасиз жанглар... Табиийки, уларни ажратишга эмас, аксинча, гиж-гижлашга мойил аёллар ҳам топила қолди. Текин томоша қизиётганида... инсофли бир барзанги эркак аёлларнинг ўртасига тушиб, икковини ҳар тарафга итариб юборди. Бири пештахтага урилди, иккинчиси ерга гурсиллаб йиқилди. Мен (бошқалар ҳам) йиқилган аёлнинг бирор жойи майиб бўлди-ёв, деб ўйлагандик. Йўқ... у шахт билан ўрнидан турди-да, яна «рақиби»га отилди. Энди атрофга бошқа расталардаги одамлар ҳам йиғила бошлади. Ҳатто тўкин бозорларимизни айланишни хуш кўрадиган хорижлик меҳмонлар ҳам бу «томоша»дан қуруқ қолишмади. Шунда мен «яхшиям булар тилимизни тушунмайди, йўқса, ҳатто унча-мунча эркакнинг айтишга тили бормайдиган бундай андишасиз сўзларни эшитиб, уятдан ерга кириб кетарди», деб ўйладим. Ахир, чет элликлар назарида энг оқибатли ва меҳмондўст халқмиз-да. Шундай пайтда бундай тоифадаги аёлларнинг бозордай эъзозли жойни бошига кўтариб, одобсизлик қилиши, ўзларининг бўлмағур қилиқларини намоён этишига нима сабаб бўлди экан? — деб ўйлаб қоласан, киши.

Яна ҳалиги воқеага қайтаман. Чунки даҳанаки олишув ҳали тугамаган эди-да. Энг қизиғи, томошаталаб одамлар орасидан ҳатто «ол, ур, теп», деган гаплар ҳам эшитила бошлади. Кутилмаганда вазият ўзгарди. Яъни энди муштлар эмас, тухумлар ишга тушди. Ерга гурсиллаб тушган иккинчи аёл аввал ҳам тухум отишнинг ҳадисини олган шекилли, «рақиб»ини тухум билан анча «сийлади». Иккинчи аёлнинг боши, юз-кўзи тухум оқию сариғига шундай беландики, кўйлаги худди сувдан сиқиб олинганга ўхшарди.

Энди ҳалиги, бақир-чақир қилиб турган одамлар уларни ажратишни эмас, тухум тегиб кетмаслиги учун ўзларини ҳар ёққа уришарди. Тасаввур қилинг-а, бирор жойингизга тухум келиб тегишини...

Бундан кўп эмас, бир соатгина аввал бизларга тухумни бор-йўғи 10 сўмгаям туширишга қизғонган сотувчи аёлнинг тухумларни жазавага тушиб, қутиси билан отаётганини кўриб... ёқамизни ушладик.

**ЭРТАСИГА.**

Биз энди кечаги хунук, шармандали томошадан кейин бу иккала аёл бозорга чиқмаса керак, деб ўйлагандик. Лекин, бирининг бўйни, бирининг юзи тирналган «шоввоз»лар терс ўгирилганча, янаям аниқроғи бир-бирини кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ душманлардек қўли-қўлига тегмай савдо қилишарди...

**Барно СУЛТОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

## ✓ ТААССУФ

*Иккинчи воқеа*

## НОН УСТИДАГИ НОДОНЛИК

Уйимиз бозорга яқинлиги сабабли ҳар куни эрталаб ишга кетаётганимда ҳам, кечқурун ишдан қайтаётганимда ҳам нон бозори ёнидан ўтаман. Бир-биридан яхши, хилма-хил патирларни, оби нонларни кўриб, кўзларинг яшнайди. Биргина шу бозорнинг ўзида ноннинг йигирмадан ортиқ турини кўрасиз. Бундай тотли ва чиройли нонлар дунёда бўлмаса керак. Лекин... Ҳа, ҳамма нарсанинг бир лекини бор-да.



Бутун бозорга файз ва кўрк бериб турган нон расталари ёнидан ўтаётганингизда, ҳар гал нон сотувчи хотинларнинг даҳанаки «жанг»ларига гувоҳ бўласиз. Буларда қизил тил деган қилич шундай қайтмас бир балога айланадики, ундан Худонинг ўзи сақламаса, бандаси сақлай олмайди. Хотинларнинг хунук қичқириқлари бозорнинг у бошига бориб, бу бошига қайтади. Қулоғингга пахта тиқишнинг фойдаси йўқ. Чунки, бу кучли товушлар етти қават бетонни ҳам тешиб ўтиб кетади. «Ҳуу оғзингдан қонинг келгур!», «Ҳуу кўкармайлар ўлгин сан!», «Санинг-чи, бозордан қорангни ўчириб юбораман!», «Кўзинг ўйилиб, оқиб тушганини кўрай!», «Ҳуу қўл-оёқларинг акашак бўлиб қолсин!». Бироз тоқат қилиб қараб турсангиз, бундан ҳам беш баттар гапларни эшитасиз. Яхшиси, обрўйингизнинг борида бу ердан этагингизни йиғиштиринг-да, тезроқ кўчиб қолинг. Йўқса, улар сизга ҳам ташланиб қолишади. Чунки сиз уларнинг фақат биттасидан нон олгансиз. Демак, қолган йигирматаси сизга душман. Жанжал ҳам шундан чиқади. Келаётган харидорга ҳамма нон сотувчилар нон тутадилар. Лекин табиийки, у ҳаммадан нон ололмайди. Фақат битта сотувчидан олади. Қолган сотувчилар ана шу нон сотган хотинга бўридай ташланишади. Ҳар куни бу жараён тинимсиз давом этаверади. Бирбирларини қарғайдилар, аямай ҳақоратлайдилар, бошларидан мағзава ағдарадилар.

Халқимизда азалдан дастурхон ва нон ҳурмат қилинган. Дастурхон бошида қўпол гап уёқда турсин, ҳатто нотўғри ўтиришга ҳам рухсат берилмаган. Нонни тескари тишлаш ҳам айб саналган. Бу ерда эса, айнан нон устида, ризқ ва насиба бошида бир-бирини қарғаб, ҳақоратлаб қичқирган қанча-ю, оғзига келганни сермаб бақирган қанча. Улар ноннинг уволидан қўрқмайдиларми? Ноннинг иззатини қилмаган жойдан барака учишини билмайдиларми? Элда «нон каби ҳалол», «нондай азиз» деган иборалар бекорга пайдо бўлмаган-ку!

**Чингиз ШУКУРОВ.**

## ✓ «ЭНГ ЗУККО ОИЛА»

### ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!

1 Касалликларнинг олдини оладиган ва уларга энг кўп шифо бўладиган нарса нима?

2 Ҳикмат излашда ва уни топишда энг кўп ёрдам берадиган нарса?..

3 Ибодатда кўп фойда берадиган нарса?..

4 Сабрга ўргатадиган нарса?..

5 Илм тўплашда энг фойдали нарса?..

6 Иштаҳани очишда энг муҳим нарса?..

**Бу олтита саволнинг биттагина жавоби бор. Шуни топинг.**

**Ғолиблар учун таҳририятнинг махсус совғаси бор.**


## ОАЖ «AGRO INVEST SUG'URTA»

**қуйидаги суғурта турларини тақдим қилади:**

- *Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;*
- *гаровга қўйилган мол-мулкларни комплекс суғурта қилиш;*
- *транспорт воситаларини суғурта қилиш;*
- *ипотека кредитларини комплекс суғурта қилиш;*
- *йўлдаги мол-мулкларни (юкларни) суғурта қилиш;*
- *кредитларни суғурта қилиш;*
- *тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурта қилиш;*
- *лизингга олинган қишлоқ хўжалик техникаларини суғурта қилиш;*
- *қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг бўлғуси бошоқли дон экинларидан (буғдой, арпа, сули, жавдар) кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш;*
- *қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг пахта экинидан кам ҳосил олиш натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш.*

**ОАЖ «AGRO INVEST SUG'URTA» — бизнесда энг ишончли ҳамкор!**

**ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 273–74–86 (факс), 273–74–69, 273–74–59**


## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

### БОШИНГИЗ ТЎЙДАН ЧИҚМАСИНМИ ЁКИ ҚАРЗДАН?

**Тўйдан кейин беш-ўн кун ўтгач, қиз узатган аёлни кўчада паришон ҳолда учратдим. Сабабини сўрасам, ҳасрат қила кетди:**

**— Тўй устида анчагина пулни қарзга олгандик. Фоизи билан тўлашим керак экан. Акамникига пул сўраб боргандим, ноумид қайтаяпман...**

### БЕВАФО ҚИЗ, СЕНИ КЕЧИРДИМ!

**Менинг мактуб йўллашимдан мақсад кимдандир кечирим сўраш эмас, аксинча, мен шу вақтга қадар бевафоликда айблаб юрган бир қизни кечирганимни айтмоқчи эдим. Агар у ҳам сизнинг газетангизни ўқиб турган бўлса, билсинки, мен уни кечирдим...**


**Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**E-mail:** oilavajamiyat@mail.ru
oilavajamiyat@rambler.ru

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20**
**Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46**
Web-site: oilavajamiyat. uz

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент – 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: «Олой» бозори ёнида**

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г – 432. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади – 11938
Навбатчи — **Барно СУЛТОНОВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА**

ISSN 2010–7609

1 . 3 4 5 6 7 8